

АКМАЛ САИДОВ

ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ  
КОНСТИТУЦИЯСИ:  
МУСТАҚИЛ ВА  
ДЕМОКРАТИК  
ТАРАҚҚИЁТНИНГ  
ҲУҚУҚИЙ АСОСИ



67.400  
С. 12

АКМАЛ САИДОВ

ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ  
КОНСТИТУЦИЯСИ:  
МУСТАҚИЛ ВА  
ДЕМОКРАТИК  
ТАРАҚҚИЁТНИНГ  
ҲУҚУҚИЙ АСОСИ



ТОШКЕНТ  
«O'ZBEKISTON»  
2012

TerDU ARM.  
№ 387 105

УДК 342.4(575.1)  
ББК 67.400(5Ў)  
С-12

ISBN 978-9943-01-873-0

© «O'ZBEKISTON» НМИУ, 2012  
© А.Х. Саидов, 2012  
© Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон  
Республикаси Миллий маркази, 2012

---

---

## К И Р И Ш

Бундан 20 йил муқаддам – 1992 йил 8 декабрда мустақил, суверен ва демократик Ўзбекистон Республикасини барпо этишнинг мустаҳкам ҳуқуқий пойдевори бўлган мамлакатнинг Асосий Қонуни – Конституция қабул қилинган эди. Мустақиллик Қомуси номини олган бу тарихий ҳужжат мамлакатимизнинг демократик тараққиётини таъминлаш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг асосий принципларини белгилаб берди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов алоҳида таъкидлаганидек: **«Конституциямиз – Асосий Қонунимиз қабул қилиниши билан биз Ўзбекистон келажagini, янгитдан барпо этилаётган давлатимизнинг чуқур мазмуни, маъно ва моҳиятини, сиёсий, иқтисодий, гуманитар ва маънавий тараққиётнинг, юртимиз қиёфасини, унинг халқаро ҳамжамиятдаги ўрни ва нуфузини тубдан ўзгартириб юборган мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилишнинг пировард мақсадларини аниқравшан белгилаб олганимизни ҳақли равишда юксак баҳолаймиз»<sup>1</sup>.**

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Бизнинг йўлимиз – демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир // Халқ сўзи, 2012 йил 8 декабрь.

Хукукий давлатчилик сари интилган ҳар қандай демократик жамиятда Конституция устувор аҳамият касб этади. Жамиятнинг нафақат сиёсий тизимида, балки иқтисодий инфратузилмасида ҳам тубдан ўзгаришлар юз бераётган ислохотлар даврида Конституциянинг аҳамияти янада ошади. Фақат давр талабларига жавоб берадиган Конституциягина йирик ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-хукукий ислохотларнинг самарадорлиги учун зарур бўлган динамизм ва барқарорлик уйғунлигини таъминлаб бера олади.

XX асрнинг сўнгги ўн йиллиги ҳуқуқ тарихига жаҳон ҳамжамияти аъзоларининг конституциявий дунёқарашида, давлат тузумида чуқур сифат ўзгаришлари юз берган давр бўлиб кирди. **Дунё янги конституциявий даврга қадам қўйди.** Бу даврнинг хусусиятлари қуйидагиларда намоён бўлади:

**биринчидан**, давлатлар ва халқлар ўртасидаги ҳуқуқий жараёнлар интеграцияси ва ҳамкорлигининг кучайиши, ягона сиёсий, иқтисодий ва ҳуқуқий маконнинг шаклланиши, ягона халқаро нормалар, қоидалар ва стандартларга ўтилиши;

**иккинчидан**, социалистик лагерь ва тоталитар тузумларнинг барҳам топиши натижасида жаҳон конституциявий харитасида янги мустақил давлатлар конституцияларининг пайдо бўлиши.

Бу янги шаклланган суверен давлатлар ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларини конституциявий қайта қуриш ва ислоҳ қилиш муаммолари соф миллий доирадан чиқиб, ҳақиқатан ҳам умумбашарий тус олганидан далолат беради.

Ўзбекистон собиқ Иттифоқда биринчилардан бўлиб ҳақиқий суверенитетга эришиш мақсадини эълон қилганлиги, президентлик бошқарув шаклини жорий этганлиги, давлат рамзлари бўйича комиссия тузганлиги, мустақиллик тўғрисидаги декларацияни қабул қилганлиги, Конституциявий комиссия тузганлиги ва ўз Конституциясини ишлаб чиққанлиги билан фахрланишимиз мумкин.

Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришгач, янги суверен давлат мақомини конституциявий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйиш, ўзининг сиёсий ва ҳуқуқий ривожланиш йўлини белгилаб олиш, янги жамият қуриш, янгиланиш ва тараққиётнинг ўз конституциявий моделини ишлаб чиқиш зарурати туғилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти давлатимиз ўзининг ривожланиш йўлини конституциявий асосда белгилаб олиши зарурлигини бир неча бор таъкидлаб: «**Давлатимизнинг келажаги, халқимизнинг тақдири кўп жиҳатдан Конституциямиз қандай бўлишига боғлиқ**»<sup>1</sup>, – деган эди.

**Ўзбекистон ўзининг ҳақиқий мустақиллиги ва миллий давлатчилигига тинч, парламент йўли билан эришди.** Бу ўзбек халқининг кўп асрлик тарихидаги буюк воқеадир.

Давлат мустақиллиги Ўзбекистон учун иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий тараққиёт, маданий ва маънавий янгиланиш истикболларини очиб берди. Истиклолга эришган ҳар бир давлат ўзининг сиёсий ва ҳуқуқий ривожланиш йўлини белгилаб олишга, янги жамият қуришга, янгиланиш ва

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиклол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. 1. – Т.: «Ўзбекистон», 1996. Б.124.

таракқиётнинг ўз конституциявий моделини ишлаб чиқишга ҳаракат қилади.

Конституциянинг асосини Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов томонидан ишлаб чиқилган таракқиёт «ўзбек модели»нинг беш тамойили ташкил этади:

**биринчидан:** иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлиги;

**иккинчидан:** давлатнинг бош ислоҳотчилик роли;

**учинчидан:** қонун устуворлиги;

**тўртинчидан:** кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш;

**бешинчидан:** ислоҳотларни босқичма-босқич амалга ошириш.

Мустақиллик йилларида амалга оширилган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий ислоҳотлар таҳлили Ўзбекистон танлаган таракқиётнинг конституциявий модели мамлакат ривожланишида ягона тўғри модель эканлигидан далолат беради.

**Ўзбекистоннинг конституциявий ҳуқуқи – бу Конституция ва қонунларда ўз ифодасини топган конституциявий ғоялар ва концепциялар, конституциявий принциплар, ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи соҳада амал этадиган декларациялар, шартномалар туридаги ҳуқуқий ҳужжатлар, ўзини ўзи бошқариш тузилмаларининг ҳужжатларидир. Конституциявий ҳуқуқнинг мазмуни ва манбаларига бундай ёндашиш ҳуқуқ ва қонунни аниқроқ фарқлаш, шунингдек, ҳуқуқнинг мазкур етакчи тармоғини таркиблаштириш имконини беради.**

**Ўзбекистондаги конституцияшунослик тўрт унсурдан иборат бўлган ўзига хос ҳуқуқий янгиликдир. Булар:**

**биринчидан, ҳуқуқий ғоялар ва концепциялар;**

**иккинчидан, конституциявий нормалар ва институтлар;**

**учинчидан, конституциявий тартиб (конституциявий амалиёт сифатида);**

**тўртинчидан, конституциявий онг (ҳуқуқий онг сифатида).**

## **Ислом Каримов – Ўзбекистон Конституциясининг ташаббускори, яратувчиси ва кафили**

Глобаллашув жараёнларида ҳар бир давлат ўз тараққиёт моделини изламоқда. Шу билан бирга, **барча давлатлар учун мос келадиган ягона, универсал конституциявий модель бўлиши мумкин эмаслигини таъкидлаш лозим.**

**Турли мамлакатларнинг конституциявий ривожланиши турлича кечмоқда. Кўпгина Ғарб давлатлари учун инқилобий ислохотлар хос бўлиб, конституциялар инқилоблар, яъни жиддий сиёсий ва ижтимоий ўзгаришлар натижасида қабул қилинади (мисол учун, XVIII асрдаги француз инқилоблари). Ислохотларнинг бошқа йўли тадрижий хусусиятга эга бўлиб, бир конституциявий тузумдан иккинчисига ўтиш аста-секинлик билан, «шок терапияси»сиз, ҳар бир давлатнинг тарихий,**



миллий ҳамда ҳуқуқий анъаналарини инобатга олган ҳолда амалга оширилади.

Бизга янги мустақил давлатимизнинг хусусияти, ички ва ташқи сиёсатининг асосий принциплари, умуминсоний кадриятлар, инсон ҳуқуқлари, давлат мустақиллиги принципларига, демократия ва ижтимоий адолат идеалларига содиқлик акс этган Конституция керак эди.

**Янги Конституцияни ишлаб чиқиш зарурлиги ҳақидаги ғоя 1990 йил март ойида бўлиб ўтган ўн иккинчи чакириқ Ўзбекистон Олий Кенгашининг биринчи сессиясидаёқ илгари сурилган эди.**

Ўзбекистон Олий Кенгашининг 1990 йил 20 июнда эълон қилинган Суверенитет тўғрисидаги декларациясида<sup>1</sup> ушбу ҳужжат республиканинг янги Конституциясини ишлаб чиқишга асос бўлиши таъкидланган эди. Ўша кунёқ Олий Кенгаш Ўзбекистон Президенти бошчилигида Конституциявий комиссияни тузган эди.

**1991 йил 31 августда Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги эълон қилинди ва «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги конституциявий қонун қабул қилинди.** Унда белгиланган қоидалар амалиётда синовдан ўтди, сўнгра Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг лойиҳасига киритилди. Ушбу қоидалар Ислом Каримов ифодалаб берган ғоя ва принципларни мустаҳкамлади. Конституция лойиҳаси ўзи-

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги тўғрисида: ҳужжатлар. – Т.: «Ўзбекистон», 1991. Б. 16.

нинг қисмлари билан ҳам, бутунлигича ҳам Ўзбекистон Президентининг улкан яратувчилик ва ислохотчилик фаолияти натижаси эканлигини кўрсатиб турарди.

Тақдир Ислом Каримов зиммасига жамиятни янгилаш, ўтиш даврининг мураккаб шароитида давлатимизни ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ва маънавий-маърифий жиҳатдан ривожлантириш муаммоларини ҳал қилишдек тарихий вазифаларни юклади. Ушбу вазифаларни амалга оширишда Президентимиз буюк давлат ва жамоат арбоби, истеъдодли сиёсий етакчи сифатида намоён бўлди. Унинг томонидан икки ўзаро боғлиқ муаммо, яъни:

**биринчидан**, Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини эълон қилиш ва қарор топтириш;

**иккинчидан**, суверен давлат Конституциясини ишлаб чиқиш, муҳокама этиш ва қабул қилиш муаммолари муваффақиятли ҳал этилди.

Мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Конституциясининг тайёрланиши ва қабул қилинишининг қуйидаги хусусиятларини таъкидлаш жоиз:

**биринчи хусусияти:** Конституциянинг ғоялари ва нормалари ўзбек халқининг чуқур тарихий негизларига асосланади, у буюк аждодларимизнинг кўп асрлик тажрибаси ва маънавий қадриятлари, бой тарихий ҳуқуқий меросига таянади;

**иккинчи хусусияти:** Конституция ижобий ва илғор жаҳон конституциявий тажрибасини ҳисобга олган;

**учинчи хусусияти:** бошқа демократик конституциялар каби халқаро стандартларга асосланган

инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш механизмига асосланган.

**Давлат мустақиллигига эришилиши ва бунинг Конституцияда қонун йўли билан мустаҳкамланиши – оламшумул воқеа, Президент Ислом Каримовнинг давлатчилик ва ҳуқуқ соҳасидаги фаолиятининг энг катта ютуғидир.** Юртбошимизнинг ҳар томонлама ҳисоб-китоб қилинган, мантқиқий, изчил, мукаммал стратегияси тараққийпарвар ўзгаришлар қилишга қаратилган<sup>1</sup>.

Конституция лойиҳасини тайёрлаш билан боғлиқ барча ишлар Ислом Каримовнинг бевосита раҳбарлигида амалга оширилди. Президент Конституциявий комиссия иш бошлаши билан мамлакатимизнинг ўзига хос хусусиятларини муносиб равишда акс эттирадиган, халқаро стандартларга тўлиқ жавоб берадиган, жаҳон тажрибасини, демократия ва энг ривожланган мамлакатлар конституциявий қонунчилиги эришган ютуқларни инобатга оладиган Асосий Қонун лойиҳасини тайёрлашга раҳбарлик қилди. Лойиҳани тайёрлаш жараёнида Осиё ва Европа, Африка ва Америка мамлакатларининг конституциялари ўрганиб чиқилди, у Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва инсон ҳуқуқларига оид бошқа халқаро ҳужжатларни инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилди<sup>2</sup>.

Конституциявий комиссиянинг аъзоси академик Ш.З. Ўразаев қуйидагиларни қайд қилган: «Прези-

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Конституциясига шарҳлар. – Т.: «Адолат», 1997. Б. 11–12.

<sup>2</sup> Саидов А.Х. Мировой конституционный опыт и концептуальные ориентиры Конституции Республики Узбекистан. – Т.: «Знание», 1992.

дентимиз шундай ҳам жуда тақчил вақтидан фурсат ажратиб, Конституция лойиҳасини тайёрлаш бўйича тузилган ишчи гуруҳнинг аъзоларини қабул қилар, лойиҳани қайта-қайта ўқиб чиқар, унинг матнини чуқур мушоҳада қилар ва унга тузатишлар киритарди. Бу кишининг ғоят ажойиб таҳлил қобилияти, келажакни олдиндан кўра олиши, назик ҳис этиш истеъдоди бизни ниҳоятда ҳайратга соларди. У меҳнатга доимо тайёр, ҳамиша изланишда, ишнинг моҳиятини тушунишга ва у бўйича энг мақбул қарор чиқаришга интиларди. Конституциявий комиссиянинг раиси лойиҳанинг ҳар бир тафсилотига эътибор берар, унга ўз кўли билан тузатишлар ва аниқликлар киритарди, ишга астойдил ёндашиш, ишбилармонлик ва билимдонлик намунасини кўрсатар эди. Президент – ўзига нисбатан жуда талабчан шахс. Кўпинча, назаримизда унинг бу талабчанлиги ўзига нисбатан шафқатсизликка яқинлашиб кетарди. У ярим тунгача ишлар ва ишнинг жуда катта қисмини ўз зиммасига оларди. Кунлар кетидан кунлар, шанба ва якшанба дам олиш кунлари ҳам шу тариқа ўтарди»<sup>1</sup>.

Юртбошимиз киритган аниқликлар, тузатишлар ва қўшимчаларнинг ҳаммаси жуда муҳим эди. Улар давлат раҳбари ижодий тафаккурининг маҳсули бўлиб, унинг сиёсий донолигидан, ҳуқуқ соҳасини чуқур билишидан яққол далолат берарди.

Президент Конституция лойиҳасини аёллар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлилиги, давлатнинг мада-

---

<sup>1</sup> Уразаев Ш.З. Как готовился проект Конституции Республики Узбекистан // Народное слово, 1992 год 26 декабря.

ний ёдгорликларни, оналик ва болаликни муҳофаза қилиши ҳақидаги моддалар билан тўлдиришни таклиф қилди<sup>1</sup>.

Президент асосий эътиборини Конституциянинг инсон ва фуқаролар эркинликлари ва бурчларини қонуний мустаҳкамловчи моддаларига қаратди.

Президент Конституция лойиҳасини биринчи марта эълон қилгунча тўрт марта, кейинги эълон қилинган эса яна икки марта таҳрир қилди. Фуқароларнинг аниқ таклифлари ва мулоҳазаларини ўрганиб чиқиб, Олий Кенгаш сессиясидан аввал лойиҳани қўлида қалам билан яна бир бор кўриб чиқди<sup>2</sup>.

Шундай қилиб, Конституция лойиҳаси давлатимиз раҳбари етти марта текшириб чиққанларидан кейингина республикамиз Олий Кенгашининг сессиясига сўнгги муҳокама учун тақдим этилди.

Конституциявий комиссия раисининг қаттиқ туриб ҳимоя қилган нуқтаи назари кўп ойлик изланишларнинг давлат ва сиёсат соҳасида тўпланган тажриба билан тасдиқланган натижаси бўлди. Ислом Каримовнинг Конституцияда ўз аксини топган ғоялари унинг 1992 йил ёзида чоп этилган «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» асарида ифодалаб берилди. Муаллиф шундай деб ёзган эди: «**Мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Конституцияси янги**

---

<sup>1</sup> Уразаев Ш.З. Конституция независимого Узбекистана. – Т.: «Адолат», 1993. С. 17

<sup>2</sup> Ўша жойда. Б. 23.

жамиятнинг ишончли ҳуқуқий кафолатларини шакллантиради ва мустаҳкамлайди. Бу Асосий Қонун томонидан ва чуқур ўйланган умумхалк муҳокамасидан кейин демократик йўл билан қабул қилинади. Умумий ғоясиз бизнинг кўп миллатли мамлакатимизда мустаҳкам маънавий маконни яратиш мумкин эмас. Конституция бизга инсон ҳуқуқлари, озодлик, барқарорлик ва тараққиёт мажмуини ифода-лайдиган демократик, ҳуқуқий ва адолатли давлатни қандай қилиб куриш йўллари очиб беради»<sup>1</sup>. Ушбу асар Конституция лойиҳасини тайёрлашга асос бўлди.

Буларнинг ҳаммаси юртбошимиз Конституция лойиҳасига ўзининг меҳнати билан қандай ҳисса қўшганлиги ҳақида хулоса чиқариш имконини беради. Айнан унинг ҳаракатлари билан кўпгина моддалар янада сайқал топди, ифодаланган қоидалар эса аниқ, равшан ва тушунарли бўлди.

Ўзбекистон Конституциясини тайёрлашда Президентнинг катта хизматлари ҳақида Н. Мишин шундай ёзади: «Ислом Каримов Асосий Қонунда инсон ҳуқуқлари ва давлат мустақиллиги ғояларига содиқлик, ҳозирги ва келажак авлодлар олдида чуқур масъулиятни ҳис этиш, ўзбек давлатчилигининг тарихий тажрибаларига таяниш, демократия ва қонунийликка ҳурмат, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормаларини тан олиш, Ўзбекистоннинг муносиб ҳаётини таъминлаш, инсонпарвар ҳуқуқий давлат яратиш ва ниҳоят,

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. 1. – Т.: «Ўзбекистон», 1996. Б. 85.

мустаҳкам фуқаровий тинчлик ҳамда миллий келишувни таъминлаш каби эзгу ниятларни мужассамлаштиришга ҳаракат қилди»<sup>1</sup>.

«Дарҳақиқат, – деб ёзади Ўрта Осиё бўйича таниқли мутахассис профессор Л. Левитин, – Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Конституциясида ҳозирги замон жамиятларига уларнинг сиёсий-ҳуқуқий ташкил этилиши нуқтаи назаридан зарур бўлган деярли барча нарса мавжуд. Шахснинг мустақиллиги, ҳокимият ваколатларининг тақсимланиши, мулкдорлик шаклларининг хилма-хиллиги, мафкуравий ранг-баранглик, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий плюрализм, бошқариладиганларнинг розилигига асосланган ҳукумат сингари ва кўплаб бошқа демократик қадриятлар конституциявий тузумнинг принциплари сифатида тасдиқланади. Узоқ йиллар давомида тоталитар-мустабид тартибнинг хом хаёл-демократик ниқоби бўлиб келган турли кўринишдаги «шўрочиликлар» барҳам топтирилган».<sup>2</sup>

Америкалик профессор Дональд С. Карлайлнинг «Ўзбекистон ва Ўрта Осиё. Ўтмиш ва ҳозирги куни келажакда» деб номланган асарига «Каримовнинг Конституцияси» деб номланган бўлим мавжуд.

---

<sup>1</sup> *Мишин Н.* Взгляд из Москвы. Ислам Каримов – первый Президент Республики Узбекистан. Штрихи к портрету // Ислам Каримов. Стабильность и реформы. Статьи и выступления. – М.: «Палей», 1996. С. 19–20.

<sup>2</sup> Қаранг: Ислам Каримов – янги Ўзбекистон Президенти. – Т.: «Ўзбекистон», 1996. Б. 89–90.

**Дарҳақиқат, Президент И.А. Каримов мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Конституциясининг ташаббускори, рағбатлантирувчиси ва асосий муаллифидир.**

## **Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг умумхалқ муҳокамаси ва қабул қилиниши**

1992 йил 8 сентябрда Конституциявий комиссия бажарилган ишни асосан маъқуллади ва Конституция лойиҳасини умумхалқ муҳокамаси учун эълон қилишга қарор қилди. Ушбу йиғилишда лойиҳани охирига етказиш ва таҳрир қилиш учун ишчи гуруҳ тузилди<sup>1</sup>. 1992 йил 26 сентябрда Конституция лойиҳаси матбуотда эълон қилинди.

**Асосий Қонун лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси жуда кенг тус олди.** У 1992 йил сентябрь ойи охиридан декабрь ойи бошларигача фуқароларнинг сиёсий фаоллиги, ижодий кўтаринкилиги руҳида ҳамда Ўзбекистонда демократия ривожининг самарали ва амалий мактаби бўлди. Муҳоқамада мамлакатимиз катта ёшдаги аҳолисининг деярли ҳаммаси иштирок этди. Матбуотда, радиоэшиттириш ва телекўрсатувларда кизгин баҳс-мунозаралар бўлди, кўплаб учрашувлар ўтказилди, Конституция лойиҳасига доир масалалар бўйича суҳбатлар, анжуманлар ташкил қилинди.

---

<sup>1</sup> Халқ сўзи, 1992 йил 10 сентябрь.



**Лойиҳа эълон қилинган, Конституциявий комиссияга фикр-мулоҳазалар билдирилган 600 тага яқин хат келиб тушди.** Республика матбуотининг ўзида Конституция лойиҳасига бағишланган юздан ортиқ материаллар эълон қилинди. **Келиб тушган таклифларнинг сони 5 мингдан ошиб кетди.** Конституция лойиҳаси ўтказилган муҳокамани инобатга олган ҳолда анча тузатилди, қайта ишланди ва 1992 йил 21 ноябрда муҳокамани давом эттириш учун газеталарда қайта чоп этилди.

**Шундай қилиб, ҳуқуқий прецедент – икки босқичли умумхалқ муҳокамаси юз берди.** Ушбу ҳолат муҳокама иштирокчиларини фаоллаштириш учун қудратли рағбат вазифасини бажарди. Бунинг натижасида умумхалқ фикр алмашуви янги-ча тус олди. Мазкур акциянинг маъноси шундан иборат эдики, фуқаролар Конституциянинг қайта ишланган вариантыда Конституция лойиҳасини муҳокама қилишдаги ўз иштирокларининг натижасини кўра олдилар. Янги вариантда умумхалқ муҳокамасининг дастлабки босқичида келиб тушган кўплаб фикр-мулоҳазалар ва таклифлар ўз ифодасини топди. **Фуқаролар Конституциявий комиссия томонидан уларнинг овози эшитилганлигига, таклифлари тегишли равишда кўриб чиқилиб, инобатга олинганлигига ишонч ҳосил қилдилар.**

Конституция лойиҳаси Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Кенгаши каби нуфузли халқаро ташкилотлар ва АҚШ, Буюк Британия, Франция каби демократик

давлатлар мутахассисларининг синчков эксперти-  
засидан ўтди<sup>1</sup>.

Конституциявий комиссия хорижий конститу-  
циявий тажрибага мурожаат қилиб, Асосий Қо-  
нуннинг ролини яхлит тушунишдан келиб чиқди.  
**Жаҳон конституциявий тажрибаси Ўзбекистон  
Конституциясида қуйидагилар орқали ҳисобга  
олинди:**

**биринчидан**, республика бошқарув шакли  
орқали – бевосита халқ бошқарувининг шакллари-  
дан бири сифатида;

**иккинчидан**, конституциявий тартибга солиш-  
нинг классик принциплари – ҳокимият ваколат-  
ларининг бўлиниши, инсон ҳуқуқлари ва халқаро  
ҳуқуқ нормаларига содиқлик, Конституциянинг  
барқарорлиги орқали;


**учинчидан**, Конституция матнини муқаддима  
ва бўлимлар, боблар ва моддалар бўйича тақсим-  
лаш ҳамда уларни мантиқий жойлаштириш;

**тўртинчидан**, мазмунининг қисқалиги – реал  
давлат ва ижтимоий ҳаётни чеклаб қўядиган  
ортиқча қоидаларга йўл қўймаслик мақсадида,  
Конституцияда келажакда қабул қилинадиган  
қонунларга оид ҳаволалар йўқлиги ҳам шу мақсад  
билан боғлиқ;

**бешинчидан**, мафкуралаштиришдан воз ке-  
чиш, яъни бир мафкура ҳукмронлигидан воз ке-  
чиш; фикр, сўз, виждон ва эътиқод эркинлиги;

**олтинчидан**, конституциявий кафолатлар –  
Конституция устуворлиги, Конституциявий суд ту-

<sup>1</sup> Қаранг: масалан: Проект Конституции Узбекистана глазами французского юриста // Народное слово, 28 ноября 1992 года.



зилиши, Асосий Қонунга ўзгартиш киритишнинг алоҳида тартиби.

Аввалги «иттифоқ» конституцияларидан фарқли равишда мустақил Ўзбекистон Республикасининг Асосий Қонунида Европа марказ кучларига хос конституциявий тартибга солишнинг тазйиқи йўқ. Лекин Ғарб мамлакатларининг демократик конституцияларига хос бўлган фуқаролик жамияти, ҳокимият ваколатларининг бўлиниши, мувозанат ва ўзаро чеклаб туриш тизимига оид нормалар инобатга олинган. Бу ерда ислом дини маънавий анъаналарининг таъсири сезилади, давлат катта оила каби тушунилиши ва раҳбар ушбу оиланинг ҳар бир аъзосининг тинчлиги, қадри ва фаровонлиги учун масъуллиги яққол кўзга ташланади.

Конституция лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси Ўзбекистон халқининг хоҳиш-иродасини аниқлаш ҳамда жуда бой материал тўплаш имкони бериб берди. Ушбу материал чуқур ва ҳар томонлама ўрганиб чиқилди, умумлаштирилди ва халқнинг умумий иродаси шаклида ўн иккинчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессияси муҳокамасига киритилди.

Ислом Каримов сессияда Конституцияни «халқчил қомус»<sup>1</sup> деб атаб, унинг лойиҳаси устида тахминан икки йил давомида ишлангани, икки ярим ой мобайнида умумхалқ муҳокамасидан ўтганлиги ва шу вақт мобайнида у халқнинг фикр

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий мустақиллик, иқтисод, сиёсат ва мафкура. – Т.: «Ўзбекистон», 1996. Б. 128.

хазинаси дурдоналари билан бойитилганлигини, сайқал топганлигини таъкидлади.

Республика Олий Кенгашининг сессиясида муҳокама қилиш учун киритилган Конституция лойиҳасига 80 га яқин ўзгартишлар, қўшимчалар таклиф этилди ва аниқликлар киритилди. Уларнинг айримлари муҳим аҳамиятга эга эди. Парламент сессиясининг иши давомида депутатлар ҳам бир қатор ўзгартишлар киритдилар<sup>1</sup>.

Давлатимиз раҳбари Конституция лойиҳасининг умумхалқ муҳокамасида иштирок этган барча фуқароларга самимий миннатдорчилик билдирди.

Конституцияни ишлаб чиқиш, муҳокама қилиш ва қабул қилиш жараёни И.А. Каримовнинг «**Конституция давлатни давлат, миллатни миллат сифатида дунёга танитадиган Қомуснома**» бўлганлиги, у «**халқимизнинг иродасини, руҳиятини, ижтимоий онги ва маданиятини**» акс эттириши, унинг «**халқимиз тафаккури ва ижодининг маҳсули**» эканлиги ҳақидаги хулосасининг тўғрилиги ва асосланганлигини тасдиқлайди<sup>2</sup>.

Хорижий мамлакатлар конституциявий ҳукуқи бўйича россиялик мутахассис А.В. Якушев шуни таъкидлайдики, «**Ўзбекистоннинг Конституцияси собиқ иттифоқдош давлатларнинг конституциялари орасида биринчи эди (бошқа барча МДХ дав-**

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Конституциясига шарҳлар. – Т.: «Адолат», 1997. Б. 25.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Мақсадимиз эркин ва фаровон Ватан. – Т.: «Ўзбекистон», 1996.

латлари ва Болтиқбўйи давлатларида конституциялар кейинроқ, яъни 1992–1996 йилларда қабул қилинган эди).

Ўзбекистоннинг 1992 йилги Конституцияси ўзбек жамияти ва давлатининг барча энг муҳим соҳаларини тартибга солади, қисқалиги ва аниқ ифодаланганлиги, шунингдек, ўзига хос тузилиши билан ажралиб туради»<sup>1</sup>.

Ўзбекистонда конституциявий қурилишнинг асосини Ўзбекистон Республикаси Президенти ўз асарлари, чиқишларида ифодалаб берган беш асосий принцип ташкил қилади. Бу асос бўлувчи ғоялар ва қоидалар Ўзбекистон тараққиёти ва миллий истиқлол мафқурасининг тамал тошидир.

## **Суверен Ўзбекистоннинг биринчи Конституцияси: тузилиши ва умумий тавсифи**

1992 йилги Конституция мустақил Ўзбекистоннинг расмий «ташриф» қоғозига айланди. У дунё сиёсий харитасида янги демократик давлат – Ўзбекистон Республикасининг мавжудлигини акс эттирмоқда. Чунки, Ўзбекистон Республикасининг Президенти айтганидек: «**Ҳеч бир давлат ўзининг Асосий Қонунида давлат ва жамият қурилишининг тамойилларини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият тараққиётининг иқтисодий асослари ва**

---

<sup>1</sup> Якушев А.В. Конституционное право зарубежных стран. – М.: «ПРИОР», 1999. С. 310–311.

**стратегик йўналишларини мустаҳкамламасдан туриб, ҳуқуқий суверен давлат бўла олмайди»<sup>1</sup>.**

**Ўзбекистон Конституцияси халқимизнинг эркинлик сари узок йўлдаги изланишининг натижасидир.** Конституциявий бинони қуришда ўзбек қонун чиқарувчиси уч минг йиллик миллий давлатчилик тажрибасига таянган. Бугунги Ўзбекистон қадимги Хоразм ва Суғдиёна, Қорахонийлар, Хоразмшоҳлар, Амир Темур ва Темурийлар, ўзбек хонликлари, халқимизнинг тарихий анъаналари ва унинг мустақил давлат ҳақидаги кўп асрлик орзусини мужассам этган. Айниқса, Амир Темурнинг миллий давлатчилик қонуний асосларига доир «Темур тузуклари» асарининг аҳамиятини таъкидлаш зарур. Шу боисдан Асосий Қонунимиз муқаддимасида Ўзбекистон халқи ўз Конституциясини қабул қилишда ўзбек давлатчилиги ривожининг тарихий-ҳуқуқий тажрибасига таяниши, ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулиятни англаши, демократия ҳамда ижтимоий адолатга садоқатини намоён қилиши қайд қилинган.

Манфаатларимиз ва интилишларимиздан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида Шарқ ва Ғарб, Жануб ва Шимолнинг турли мамлакатлари тўплаган илғор конституциявий тажрибаси ҳисобга олинган.

**Конституция Ўзбекистон халқларининг продаси, руҳи, ижтимоий онги ҳамда маданиятини акс эттиради.** Энг аввало, унинг умуминсо-

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. – Т.: «Ўзбекистон», 1997. Б. 103.

ний кадриятлар, халқаро ҳуқуқ устуворликларига содиқлигини таъкидлаш жоиз. Унда бирон бир сиёсий мафкура чекланганлиги, гуруҳлар қарама-қаршилиги, партияларнинг ҳукмронлиги мавжуд эмас. Давлатнинг фуқаролар устидан зулм таъсири йўқ. Конституция Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясидаги барча асосий қоидаларни мужассамлаштирган: ҳаёт, шахс ва инсон эркинлиги дахлсиздир.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Конституцияси ўзининг кўп асрлик юридик тарихи ва жаҳон конституциявий тажрибасини ўзида мужассамлаштирган. Агар Янги Конституция жаҳон конституциявий ривожланиши билан боғлаб кўриб чиқиладиган бўлса, уни XX асрнинг охириги ўн йиллигида дунёда қабул қилинган «учинчи авлод конституциялари» сирасига киритиш мумкин.

Конституцияда мустаҳкамланган қоидаларни демократиянинг аниқ «тарози»сида ўлчаб, тўла ишонч билан айтиш мумкинки, у жаҳондаги энг демократик конституциялардан биридир. **«Бизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси энг демократик, халқаро миқёсда эътироф этилган меъёр ва талабларга жавоб беради, дейиш учун тўла асосларимиз бор»<sup>1</sup>.**

**Ўзбекистоннинг амалдаги Конституцияси муқаддима, 26 бобга ажратилган 5 бўлимда бирлаштирилган 128 моддадан ҳамда олтинчи бўлимни ташкил қилувчи якуний қоидалардан иборат. Асосий Қонун Муқаддимадан бошланиб,**

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. Т. 5. – Т.: «Ўзбекистон», 1996. Б. 107.

унинг моҳияти куйидагича: Конституцияни халқ қабул қилади, халқ мамлакатнинг тўла ҳуқуқли эгаси бўлиб, унда ўз иродасини ифода этади. **Биринчи бўлим** – конституциявий тузум асосий принципларининг мажмуаси, **иккинчи бўлим эса** – инсон ҳуқуқлари бўйича ўзбекча биллдир. Бошқача айтганда, шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларнинг яхлит ва кенг қамровли тизими мустаҳкамланган. Табиийки, инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги бўлим давлат органлари тизимига бағишланган бўлимдан аввал келади. Давлат ҳуқуқларни тақдим этмайди, фуқаронинг ўзи унга эркинлик билан берилган ажралмас табиий ҳуқуқлардан онгли ва маъсулиятли равишда фойдаланади.

**Конституциянинг учинчи бўлими** ўзига хос ҳисобланади, бошқа мамлакатларнинг биронтасида бундай ҳолат учрамаслиги эҳтимоли бор. Бу бўлимнинг асосий мақсади – фуқаролик жамиятининг анъаналарини тиклаш, жамоат бирлашмалари, сиёсий партиялар ва оммавий ахборот воситалари мақомини ҳуқуқий тарзда расмийлаштириш, уларнинг реал ва барқарор ривожланишини таъминлашдан иборат.

**Тўртинчи бўлим** – давлат ва маъмурий ҳудудий бошқарувга бағишланган. Қорақалпоғистон Республикаси ҳақида алоҳида боб кўзда тутилган.

**Бешинчи бўлимда** ҳокимият ваколатлари бўлиниши тамойили асосида давлат ҳокимияти органларининг янги тизими мустаҳкамлаб қўйилган, олий ва маҳаллий органларнинг тузилиши очиб берилган.



**Олтинчи бўлим** – Конституцияга ўзгартириш киритиш тартибини белгилаган.

Конституциянинг тузилиши:

**биринчидан**, фуқаролараро тинчлик, яъни миллий ва ижтимоий бирликка;

**иккинчидан**, шахс эркинлиги ва танлаш эркинлигига;

**учинчидан**, мафкуравий ҳурфикрлик ва сиёсий барқарорликка;

**тўртинчидан**, барқарор иқтисодий ўсиш ва фаровонликка;

**бешинчидан**, давлат томонидан халқ ва жаҳон ҳамжамияти олдидаги ўз мажбуриятларини бажарилишига эришишга қаратилганлигини кўрсатади.

Демократия ва инсон ҳуқуқларининг конституциявий асоси умуминсоний ва миллий кадриятлар бирлигини ифода этади. Ўзбекистон маданиятимизнинг бой салоҳиятига мувофиқ инсон ҳуқуқлари бўйича умумжаҳон халқаро стандартларга интилишга ҳаракат қилади.

Ўзбекистон аста-секин, босқичма-босқич инсон ҳуқуқларини ижтимоий тараққиёт ва барқарор ривожланишнинг асоси сифатида тикламоқда. Халқаро ҳуқуқ конституциявий қурилишнинг муҳим манбаси сифатида белгиланган. Бу дегани, Ўзбекистоннинг халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принциплари ва нормаларига, инсон ҳуқуқларини мустаҳкамлаш, демократия идеаллари, фуқаролик жамиятини, миллатлараро тинчликни таъминлашга содиқликни билдиради.

**Мамлакатимиз халқи евроамерикалик маданиятида учрамайдиган ўз ҳуқуқларини жа-**

**моавий химоя қилиш механизмига эга.** Бу – маҳалладир. Зарур бўлганда у нафақат моддий ёрдам кўрсатади ёки миллий-маданий, маиший урф-одатларни қўллаб-қувватлашга ёрдам беради. Маҳалла халқ орасида обрўга эга оксоколлар орқали оила, аёллар, қариялар ва болалар ҳуқуқлари бузилмаслигини кузатиб боради. Маҳалла ҳуқуқнинг алоҳида субъектига айланмоқда, иттифоқ даврида бундай ҳолат бутунлай учрамаган. Бу одамларга низолар келиб чиққанда ёрдам сўраб мурожаат қилиш имконини беради. Кўп маҳаллалар кўп миллатли бўлиб, бу миллатлараро тинчликка ва маиший миллий чекланганликнинг олдини олишга ёрдам беради.

**Ўзбекистон Конституцияси давлат, жамоат, маънавий-маданий эҳтиёжлар ҳамда барқарор конституциявий ривожланишнинг ижодий бирлигидир.**

Ўзбекистон Конституцияси қуйидаги қадриятлар: шахс – жамият – давлат устуворлигини белгилаб беради. **Шахс** – эркин, онгли, мустақил – фуқаролик жамиятининг таркибий қисмидир. **Фуқаролик жамияти** – ўзини ўзи ташкил этган халқ – ҳар қандай ҳокимиятнинг ҳақиқий эгаси ва манбасидир. **Давлат** – суверен демократик, дунёвий, ҳуқуқий – шахс ва жамият манфаатларининг химоячисидир. Бу маънода Конституция фуқаро, жамият ва давлат ҳокимияти ўртасидаги ўзига хос шартнома ҳисобланади.

Шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари инсоният цивилизациясининг умумий ютуғидир. Хавфсизлик ва демократия, барқарор ривожланиш ва инсон

хуқуқлари каби глобал ҳодисаларни тушунишимизда асосий конституциявий принциплар – миллий давлат манфаатларига, халқимиз одатларига мослигини, унинг суверенитетини чуқур ҳурмат қилиш асос бўлиб хизмат қилади.

Демократия ва инсон ҳуқуқлари жамиятимизда нафақат қонунларда, халқнинг онгида, унинг маънавий тажрибасида ҳам мустаҳкамланган. Ўзбекистонда шарқона маданиятга хос бўлган оилани ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш доимо энг инсонпарвар кадриятлардан ҳисобланган ва ҳисобланади. Инсон ҳуқуқларини тўла ҳимоя қилиш ва шахсни ҳурмат қилиш миллий маданиятимизни ва суверен давлатчилигимизни мустаҳкамлайди.

Айнан шу изчил демократик хусусияти, ҳуқуқий давлат, қонун устуворлиги, демократия ва инсон ҳуқуқлари принципларига содиқлиги боис Ўзбекистон Конституцияси янги давлат тузумига ўтиш даврида конституциявий майдон чегарасида тизимли ва изчил ислохотларнинг амалга оширилишини таъминлаб берадиган асосий юридик ҳужжат ҳисобланади.

### **Конституция тараққиёти – «ўзбек модели»нинг юридик асоси**

Мустақилликнинг илк кунлариданоқ Ўзбекистонда жамиятнинг барча соҳаларини демократлаштириш, одамларнинг сиёсий ва миллий онгини шакллантириш, демократик кадриятларни маънавий тиклаш жараёни босқичма-босқич ва жўшқин ривожланмоқда. Демократик ҳуқуқий

давлат куриш ва очик фуқаролик жамиятини шакллантириш тизимли ва босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Конституция нормаларининг қабул қилинган вақтдан бошлаб амал қилиши у сиёсий тизим, давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ривожланишининг юридик мезонларини белгилаб берганлигини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикасининг конституциявий ривожланишида икки алоҳида босқични кўрсатиш мумкин. Уларнинг ҳар бири мамлакат тарихида ўзига хос ўринга эга.

**Биринчи босқич – 1991–2000 йиллар:** бирламчи конституциявий ислохотлар ва миллий ҳуқуқий давлатчилик ҳамда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётининг асосларини шакллантириш босқичи. Бу босқичда Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат ва ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётининг конституциявий асослари белгилаб олинди, инсон ҳуқуқларини таъминлаш, уларга риоя этиш ва ҳимоя қилиш давлат сиёсати шаклланди. Айнан шу йилларда Ўзбекистон БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича олтита асосий ҳужжатига кўшилди.

**Конституциявий ривожланишнинг биринчи босқичи хусусиятлари қуйидагилардан иборат:**

**биринчидан,** барқарор конституциявий тартиб ўрнатилди. Барча давлат органлари Конституция доирасида шаклланган ва амал қилмоқда. Парламент ва Президент сайловлари ҳамда маҳаллий сайловлар буни яққол кўрсатди. Демократик эркин

сайловлар орқали мамлакатнинг сайлов корпуси томонидан давлат ҳокимияти бу даражада легитимация қилиниши Ўзбекистон тарихида ҳали бўлмаган;

**иккинчидан**, иқтисодий соҳада мулкчиликнинг барча шакллари, жумладан, хусусий мулкнинг тенглиги, тадбиркорлик эркинлиги ўрнатилиб, Конституция ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларининг ривожланиши учун зарур шарт-шароитлар ва кафолатлар яратиб берди. Барқарор иқтисодий ривожланиш давлатнинггина эмас, балки жамиятнинг ҳам вазифасига айланди. Чунки кучли ва очик фуқаролик жамияти иқтисодий фаолият эркинлигисиз мавжуд бўла олмайди;

**учинчидан**, сиёсий соҳада ҳам Конституция ҳуқуқий давлатчиликнинг энг зарур мезонларига мувофиқ тарзда эркинлик ва демократияни етарли даражада таъминлаб берди. Мамлакатда сиёсий ва мафкуравий ҳурфикрлик, сўз ва ахборот эркинлиги ўрнатилди. Фуқаро жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилган барча сиёсий ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлди.

**тўртинчидан**, давлат тузилиши соҳасида ҳуқуқий давлатчиликнинг муҳим белгиси – ҳокимият ваколатлари бўлиниши принципи асосида давлат органлари тизими шакллантирилди.

**2001–2010 йилларни қамраб олган иккинчи босқич ҳам муҳим аҳамиятга эга.** Бу фаол конституциявий ҳуқуқ ижодкорлиги даври бўлди. Бу босқичнинг хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

**биринчидан**, қонун қабул қилишда умумдавлат манфаатлари ва маҳаллий манфаатларни эъти-

борга оладиган икки палатали парламентни шакллантириш ва унинг амал қилиши асосида қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг роли ва таъсирини кучайтириш;

**иккинчидан**, сиёсий партиялар ва фуқаролик институтларининг муҳим давлат қарорларини қабул қилишдаги роли ва таъсирини кучайтириш, давлат тузилмалари фаолиятининг мониторингини амалга оширишда нодавлат ташкилотларнинг обрўси ва аҳамиятини ошириш;

**учинчидан**, суд тизимини либераллаштириш ва инсонпарварлаштиришга қаратилган туб ислохотлар, ўлим жазосини бекор қилиш, суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлаш, «хабеас корпус» институтини жорий қилиш, адвокатура родини ошириш;

**тўртинчидан**, инсон ҳуқуқлари бўйича таълим соҳасида кенг маърифий ишларни олиб бориш.

**Иккинчи босқичда** конституциявий ислохотлар натижасида мамлакатнинг олий қонун чиқарувчи органи – икки палатали Олий Мажлис шакллантирилди. Президент ваколатларининг бир қисми Сенатга берилиши ҳамда Бош вазир ҳуқуқ ва ваколатларининг кенгайтирилиши, икки палатали парламент ваколатини кенгайтириш ва қонун чиқарувчи ҳамда ижроия ҳокимиятлар ўртасидаги мувозанатни сақлаш билан боғлиқ бўлган масалаларни ҳал қилишда муҳим аҳамият касб этди.

**Президент бир вақтнинг ўзида ижро этувчи ҳокимиятнинг бошлиғи деган норманинг бекор қилиниши катта аҳамиятга эга бўлган сиёсий ҳуқуқий ҳужжат бўлди.**

**Шундай қилиб, Конституция халқимизга ларзаларсиз бир ижтимоий-сиёсий тизимдан бошқа тизимга ўтишга ёрдам берди, «ўзбек модели»нинг мустаҳкам ҳуқуқий асосига айланди.**

## **Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг динамик ривожланиши**

**Конституция – ҳар бир давлат сиёсий ва ҳуқуқий ҳаётининг кўзгусидир. Конституцияда фуқаронинг ҳуқуқий мақоми, жамият ва давлат қурилишининг асосий унсурлари мустаҳкамлаб қўйилади. Реал воқеликдаги йирик ўзгаришлар «конституциявий кўзгу»да акс этмаслиги мумкин эмаслиги тушунарлидир. Бу ўринда гап иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий соҳалардаги барча ўзгаришлар тўғрисида эмас, балки мамлакат ва сиёсий вазиятдаги энг йирик воқеалар хусусида кетмоқда, албатта. Қонунчиликка аниқлик киритишга олиб келадиган ўзгаришларнинг тўпланиши ҳуқуқда сифат ўзгаришлари қилишга туртки бўлади. Уларни фақат Конституция қонунийлаштириши мумкин.**

**Бевосита Конституция орқали давлатнинг яхлит организм сифатидаги ҳуқуқий образини тасаввур этиш мумкин. Ўзбекистонда давлатнинг барча ёки асосий белгилари ҳамда жамиятдаги ўзгаришлар конституциявий талқинини топади.**

Ўзбекистонда конституциявий принциплар ва нормаларни мустаҳкамлаш ва амалга оширишнинг динамик ва босқичма-босқич жараёни кетмоқда ва мамлакат бу йўлда ўз тарихида мисли кўрилмаган даражада илғорлаб кетди. Конституция ҳақли равишда амалдаги деб номланади ва унинг мамлакатнинг Асосий Қонуни сифатидаги ўрни муҳим ва самаралидир.

Шу боис Конституциянинг динамик ривожланиши муҳимдир. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг қабул қилинган ва ярим асрлиги нишонланган Европа конституцияларининг мисолида шуни кўриш мумкинки, уларнинг динамик тараққий этиши давлатнинг барқарор ҳуқуқий ривожланишининг муҳим омилидир. Ўзбекистон учун ҳам конституциявийлик бугунги кунда муҳим қадрият ҳисобланади. Конституция устуворлиги, унинг динамик ривожланиши ва барқарорлиги, Асосий Қонунни ҳурмат қилиш асосидагина либераллаштириш ва модернизация қилиш, демократик ислохотларнинг устувор вазифаларини конституциявий ҳуқуқий майдонда ҳал қилиш мумкин.

**Қабул қилинган пайтдан, яъни 1992 йил 8 декабрдан бошлаб Конституцияга олти маротаба ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди, охиригиси 2011 йил 12 декабрда киритилган. 128 моддадан 31 тасига ўзгартиш киритилган, яъни 23 та моддага бир маротаба, 6 та моддага икки маротаба, 2 та моддага уч маротаба ўзгартиш киритилди.**

Конституцияга киритилган ўзгартишларнинг энг муҳимларидан бири икки палатали парламентни жорий қилиш билан боғлиқ. Парла-



мент ислоҳоти 2002 йил 27 январда ўтказилган референдум натижаларига асосланди. Референдум қарорларига биноан «Референдум натижалари ва давлат ҳокимиятини ташкиллаштиришнинг асосий принциплари тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги конституциявий қонунлар қабул қилинди. Ушбу қонунлар Конституцияга ўзгартишлар ва қўшимлар киритиш учун юридик база бўлди. Ушбу ўзгартишлар 30 моддага, олтита бобга (XVIII–XXIII) ва иккита бўлимга (Бешинчи ва Олтинчи ) тегишли эди<sup>1</sup>.

2007 йили апрель ойида давлат бошқарувини янада демократлаштириш, қонун чиқарувчи ва ижроия ҳокимият, ҳукумат ва маҳаллий органларнинг роли ва уларнинг ўзларига юклатилган вазифаларни бажаришдаги масъулиятини ошириш, Президент ваколатларини аниқ белгилаб олиш ҳамда мамлакатни янгилаш ва либераллаштиришда сиёсий партияларнинг роли ва таъсирини кучайтириш мақсадида 89-модда, 93-модданинг 15-банди, 102-модданинг иккинчи қисмига ўзгартишлар киритилди<sup>2</sup>.

Кейинги ўзгартиш 77-моддага киритилган бўлиб, у сайловларга оид қонун ҳужжатларини такомиллаштириш билан боғлиқ эди. Ушбу ўзгартиш

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003. 3–4-сон, 27-модда.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007. 4-сон, 162-модда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан 2008 йил 19 ноябрда қабул қилинди ва 2008 йил 25 декабрда Сенат томонидан маъқулланди. Ушбу ўзгартишга биноан 77-модда қуйидаги таҳрирда берилди: **«Қонунчилик палатаси қонунга мувофиқ тарзда сайланадиган 150 депутатдан иборат»**<sup>1</sup>.

**Конституцияга киритилган охириги ўзгартиш ва қўшимчалар** қуйидаги мақсадга қаратилган:

демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш;

давлат бошқарувини демократлаштириш, давлат ҳокимияти субъектлари – Президент – давлат раҳбари, қонун чиқарувчи ва ижроия ҳокимият ўртасидаги мувозанатни таъминлаш;

ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий ислохотларни амалга ошириш, мамлакатни янгилаш ва модернизация қилишда сиёсий партиялар ролини кучайтириш.

Ушбу ўзгартишлар Конституциянинг 78-, 80-, 93-, 96- ва 98-моддаларига оиддир. Бу ўзгартишлар депутатлик ўрнининг кўп қисмига эга бўлган сиёсий партияларга Бош вазир номзоди бўйича таклифлар бериш ҳамда парламентга Ҳукумат раҳбарининг мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига оид долзарб муаммолар бўйича ҳисоботини эшитиш ҳуқуқини бериш, Бош вазирга ишончсизлик вотуми билдириш институтини жорий қилиш ва бир қатор бошқа

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Аxbоротномаси, 2008. 12-сон, 637-модда.

янгиликларни киритишга қаратилган<sup>1</sup>. Ушбу конституциявий янгиликлар ҳокимият ваколатлари бўлиниши тамойилини ривожлантириш, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятни ислоҳ қилиш учун қонуний база яратишга хизмат қилади.

**Шундай қилиб, Ўзбекистон Конституцияси амал қилиши даврида муҳим аҳамият касб этди ва келажакда ҳам муҳимлигини сақлаб қолишини тўлиқ ишонч билан башорат қилиш мумкин.**

## **Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тараққиётида янги босқич**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов томонидан Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг қўшма мажлисида илгари сурилган **«Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»<sup>2</sup>** ва унинг асосида қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги

---

<sup>1</sup> «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78-, 80-, 93-, 96- ва 98-моддаларига)» Ўзбекистон Республикаси Қонуни // Халқ сўзи, 2011 йил 19 апрель.

<sup>2</sup> Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т.: «Ўзбекистон», 2010. Б. 56.

Қонун<sup>1</sup> мамлакатнинг конституциявий ривожланиши, давлатни модернизация қилиш стратегик курсини амалга оширишда янги босқични очиб бермоқда.

**Президентнинг конституциявий ташаббуслари:**

**биринчидан**, давлат ҳокимияти субъектлари ўртасида ваколатларни тақсимлашнинг аниқ ва тизимли ҳуқуқий механизмини яратишга қаратилган конституциявий ислохотларнинг янги босқичини очмоқда. Улар давлат тузумини тубдан ўзгартириш ва янгилашга, давлат ҳокимияти ваколатлари бўлиниши принципини босқичма-босқич амалга ошириш ва ҳокимиятлар ўртасидаги мувозанат тизимини ўрнатишга қаратилган;

**иккинчидан**, давлат органларининг уйғунлашган фаолияти ва ўзаро таъсирини таъминлашда давлат раҳбарининг ролини мантиқий ривожлантиради ва кучайтиради;

**учинчидан**, қонун ижодкорлик фаолиятининг сифатини сезиларли даражада ошириш учун қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг ваколатлари ва назорат қилиш вазифаларини кенгайтиради, парламент палаталари фаолияти ҳамда уларнинг ижро этувчи ҳокимият билан ўзаро алоқалари механизмларини яратади, ижро этувчи ҳокимият фаолияти устидан парламент назоратини кучайтиради. Олий Мажлис Бош вазирга ишончсизлик вотумини эълон қилиш ҳуқуқига эга бўлди;

---

<sup>1</sup> «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78-, 80-, 93-, 96- ва 98-моддаларига)» Ўзбекистон Республикасининг Қонуни // Халқ сўзи, 2011 йил 19 апрель.

**тўртинчидан**, Бош вазир номзодини кўрсатиш ва тасдиқлаш, Бош вазир парламент олдида доимий равишда мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига оид долзарб масалалар бўйича ҳисобот беришининг янги замонавий талабларга жавоб берадиган тартибини жорий қилди. Шу орқали Бош вазирнинг бутун ижро этувчи ҳокимият тизимини ташкил этиш учун бўлган масъулиятини оширишга қаратилган янги конституциявий мақоми ўрнатилди;

**бешинчидан**, Бош вазир номзодини парламент сайловларида ғалаба қозонган сиёсий партия ёки бир хил депутатлик ўрнига эга бўлган бир нечта партия томонидан кўрсатиш тартиби ўрнатилди. Бу кўппартиявийлик тизимини мустаҳкамлашга ва сиёсий партиялар ҳамда сиёсий маданият ва аҳолининг ҳуқуқий онгини оширишга, уларнинг давлат ва жамият ҳаётида фаол иштирок этишларига имкон беради. Ушбу механизмлар сиёсий партияларнинг вакиллик ва ижро этувчи органларни шакллантириш, уларнинг фаолиятини назорат қилишдаги роли ва ўрнини тамомила ўзгартиради.

Шундай қилиб, **Президент ташаббуслари:**

**биринчидан**, жамиятнинг бутун сиёсий тизимини демократлаштириш ва модернизация қилиш сари янги рағбат бўлиб хизмат қилади;

**иккинчидан**, мамлакатнинг ижтимоий тараққиёт ва фаровонлик сари барқарор ва демократик ривожланиши учун ҳаракатга солувчи кучга айланади;

**учинчидан**, Ўзбекистоннинг демократик давлатлар қаторига киришига ва ҳуқуқий давлатлар ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашига ёрдам беради.

## **Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нормаларининг бажарилиши ва бевосита амал қилиши**

Конституциянинг бажарилиши бир неча жи-  
хатга эга. Кенг маънода, Конституциянинг бажа-  
рилиши Конституция нормаларини жорий қонун  
ҳужжатларида аниқлаштириш, судлар томонидан  
талқин қилиш, конституциявий нормаларнинг  
фуқаролар онгига таъсир кўрсатиши ва Конститу-  
ция амал қилишининг шу каби барча шакллари  
англатади. Конституциянинг бажарилиши Консти-  
туциянинг амал қилиши деган билан тенгдир.

Том маънода Конституциянинг бажарилиши  
фуқаролар ва конституциявий ҳуқуқ бошқа субъект-  
ларининг Конституция талабларини амалга оши-  
ришга қаратилган қонуний хатти-ҳаракатларини  
билдиради. Бу маънода, Конституция қоидалари  
уч шаклда бажарилиши мумкин:

**биринчидан**, фойдаланиш, яъни конститу-  
циявий ҳуқуқнинг субъектлари (давлат орган-  
лари, фуқаролари, сиёсий партиялари, жамоат-  
чилик бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи  
бошқариш органлари) томонидан уларга Консти-  
туция билан берилган ҳуқуқларнинг амалга оши-  
рилиши;

**иккинчидан**, бажариш, яъни Конституция-  
да кўзда тутилган мажбуриятларнинг бажарили-  
ши. Масалан, Олий Мажлис Сенати томонидан  
маъқулланган қонун 10 кун ичида Президент то-  
монидан имзоланишга юборилиши шарт (84-мод-  
да);

**учинчидан,** Конституцияда тақиқланган ҳаракатлардан тийилиш. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президенти фавқулодда вазият пайтида Қонунчилик палатаси ва Сенатни тарқатиб юборолмайди (95-модда).

Конституция энг асосий, муҳим қоидаларни мустаҳкамлаб қўяди, улар бевосита амалга оширилади ва шу билан бирга бошқа қонун ҳужжатларида аниқлаштирилади ва тўлдирилади.

**Ўзбекистон Конституциясининг таҳлили Конституцияда белгиланган салоҳият ҳаётимизда тўлиқ намоён бўлмоқда, деб таъкидлаш имконини бермоқда.** Конституциянинг 24 та моддасида жорий қонун ҳужжатларига 27 марта бевосита мурожаат қилинган, улар бугунги кунда қабул қилинган.

Конституция амал қилган йиллар давомида Олий Мажлис томонидан 15 кодекс, 500 дан зиёд қонунлар қабул қилинди ва 200 дан зиёд халқаро шартномалар ратификация қилинди. Шундай қилиб, **Конституцияни амалга ошириш учун яхлит бир механизм яратилди.**

Ўзбекистон Конституцияси нормаларини бевосита амалга ошириш доираси давлат органлари томонидан конституциявий нормаларни мустақил қўллаш билан чекланмайди. Конституциявий нормалар жорий қонун ҳужжатлари билан бир қаторда амалга оширилганда ҳам, Конституция нормалари бевосита амал қилиш хусусиятини йўқотмайди.

**Ўзбекистон Конституциясининг бевосита амал қилиши мамлакатда конституциявий қонунийликни таъминлаш ва унга риоя қилиш-**

**нинг зарур шартидир.** Бу дегани, ҳуқуқлари бузилган ҳар бир шахс ушбу ҳуқуқлар жорий қонунчиликда белгиланмаган тақдирда ҳам уларни ҳимоя қилиш учун давлат органларига мурожаат қилиши мумкин. Конституциянинг бевосита амал қилишини баҳолаганда, куйидагини эътиборга олиш лозим: айрим конституциявий нормалар асосий ижтимоий муносабатларга билвосита таъсир кўрсатганда, бир вақтнинг ўзида конституциявий нормаларда белгиланган муносабатларга оид қонун қабул қилишга қаратилган ҳуқуқ ижодкорлик жараёнига ҳам бевосита таъсир кўрсатади. Конституцияда кўзда тутилган қонунни қабул қилиш ҳам уни амалга ошириш шаклларидадан бири.

**Шундай қилиб, Конституция нормалари бевосита ёки билвосита амалга оширилади.**

Конституциявий нормаларни амалга оширишда Конституциявий суд алоҳида аҳамият касб этади. Унинг асосий вазифаси қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларнинг Конституцияга мослигини кўриб чиқишдир. Конституциявий суд қонунда белгиланган тартибда талқин қилиниб, унинг бевосита амалга оширилишини таъминлайди. Конституциявий суднинг конституциявий назоратни амалга оширишдаги роли жуда муҳим: у ҳар қандай ҳужжатни Конституцияга мос эмас, деб эълон қилиши мумкин, унинг қарорини ҳеч ким бекор қила олмайди. Давлат ва жамият ҳаётини либераллаштириш шароитларида конституциявий назоратнинг самарадорлигини ошириш мақсадида Конституциявий судга мурожаат қилиш ҳуқуқига



эга бўлган субъектлар доирасини кенгайтириш мақсадга мувофиқдир.

Бугунги демократик ҳуқуқий давлат Конституцияси муҳим юридик хусусиятга эга бўлиши лозим: у бевосита амал қиладиган ҳужжат бўлиши даркор. Конституциянинг бевосита амал қилиши ҳуқуқий цивилизациянинг ва узоқ вақт давомида конституциявий ривожланишнинг муҳим ютуғи ҳамда чуқур ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий ўзгаришлар, очиқ фуқаролик жамиятини шакллантириш натижасидир.

Конституция нормалари бевосита амал қилишининг аҳамияти шундан иборатки, конституциявий нормалар асосида фуқаро ҳуқуқларга эга бўлади ва уларни ҳимоя қилиш учун фақат Конституция моддасига асосланиб, суд ёки бошқа давлат органига мурожаат қилиши мумкин. Бунда суд ёки давлат органи ушбу нормани аниқлаштирувчи қонун ҳужжати йўқлиги боис ишни кўриб чиқишни рад эта олмайди. Конституциянинг бевосита амал қилиши давлат органлари Конституция нормаларини муайян ишларни ҳал қилишда ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида бевосита норматив асос деб ҳисоблаши лозимлигини билдиради.

**Ўзбекистон Конституцияси – тўғридан-тўғри ва бевосита амал қиладиган ҳужжат.** Дарҳақиқат, унинг нормаларининг тўғридан-тўғри амал қилиши Конституциянинг олий юридик кучга эгалигидан далолатдир. Ўзбекистоннинг бугунги кундаги суд амалиётига мурожаат қилар эканмиз, шуни таъкидлаш жоизки, Конституцияга тўғридан-тўғри мурожаат қилиш амалиёти ривож-

ланмаган, шу билан бирга, суд амалиёти, айниқса, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари билан боғлиқ бўлган тақдирда, Асосий Қонуннинг нормалари ва қоидаларини бевосита қўллаши ва ўз қарорларида тўғридан-тўғри Конституцияга мурожаат қилиши лозим.

Шундай қилиб, Конституциянинг бевосита амал қилишини таъминлаш давлат органлари, айниқса, суднинг муҳим вазифаларидан биридир. Давлат органлари, жумладан, одил судлов органлари Конституция нормаларини бевосита қўллаши мумкин:

**биринчидан**, бошқа норматив ҳужжатлардан алоҳида Конституция нормаларига мурожаат қилган ҳолда;

**иккинчидан**, бошқа қонун ҳужжатлари билан биргаликда;

**учинчидан**, ўз қарорларини асослаш учун, уларга муҳим ижтимоий-сиёсий тус бериш, ўзларининг ҳуқуқни қўллаш ҳаракатларининг мақсадини тушунтириш зарурлигида.

## **Конституцияни ўрганиш ва ҳуқуқий маданиятни шакллантириш**

Конституциянинг устуворлиги жамиятда ҳуқуқий маданият билан мустаҳкамланади. Бундай тушуниш ва Конституция нормаларига риоя қилиш шу тарзда иш тутиш бевосита айти пайтда фойдали ёки фойдали эмаслигига боғлиқ эмас. Етарли даражада умумий ва ҳуқуқий маданиятга эга бўлган инсон Конституция унинг фаровонли-

гини ҳимоя қилишини билади, қонун талабларидан хабардор бўлади.

Ҳуқуқий маданиятни шакллантириш конституциявий нормаларни билиш даражасига боғлиқ. Шунинг учун, фуқароларга Конституцияда ва қонунларда мустақамлаб қўйилган ҳуқуқлар, эркинликлар ва мажбуриятларни ўргатиш ва тушунтиришга алоҳида эътибор қаратилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 4 январда эълон қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги фармойиши Конституцияни кафолатлаш ва бу мақсад учун зарур шарт-шароитларни яратишга қаратилган<sup>1</sup>. Дарҳақиқат, кўп нарса мамлакатда Конституцияни оммавий равишда ўрганишга боғлиқ. Шунинг учун давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Конституциясини ўрганишни ташкил қилиш бўйича кенг кўламли вазифаларни белгилаб берди ва улар амалга оширилмоқда. Чунончи:

**биринчидан**, «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш» махсус ўқув курслари барча таълим турлари учун ишлаб чиқилди;

**иккинчидан**, барча таълим турлари учун мактабгача ёшдаги болалар ва ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, уларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини шакллантиришга қаратилган Конституция ўрганилишига оид дарсликлар ва махсус адабиётлар тайёрланди ва нашр этилди;

**учинчидан**, Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш курслари бўйича мактабгача

---

<sup>1</sup> Халқ сўзи, 2001 йил 6 январь.

таълим туридаги тарбиячи ва методистлар, умумий ўрта таълим муассасаларидаги ўқитувчилар, ўрта махсус, касб-хунар ва олий таълим турларида дарс берувчи профессор-ўқитувчилар тайёрланди;

**тўртинчидан**, 2001–2002 ўқув йилидан бошлаб мактабгача ва умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар ва олий таълим муассасаларида «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш» курсларини ўқитиш жорий қилинди;

**бешинчидан**, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш мақсадида аҳоли ўртасида Конституциянинг ўрни ва аҳамиятини тарғиб ва ташвиқ қилиш бўйича ишлар фаол амалга оширилмоқда;

**олтинчидан**, матбуот, телевидение, радио ҳамда тасвирий санъат воситалари орқали конституциявий маърифий-тарғибот ишлари кенг йўлга қўйилди.

Етарли демократик тажрибага эга бўлган мамлакатларда Конституцияга бўлган ҳурмат сиёсий ва ҳуқуқий ҳаётнинг қоидаси ҳисобланади. Истиқлол йилларида Ўзбекистонда бир тенденция яққол кузатилмоқда – Конституциянинг амалдаги Асосий Қонун сифатида обрўси жамоатчилик онгида ошиб бормоқда. «Ижтимоий фикр» нодавлат маркази томонидан олиб борилган сўровларнинг натижалари бундан далолат беради.

Ҳуқуқий онгнинг нигилистик стереотипи сезиларли даражада ўзгарди. Жамиятда юз бераётган барча демократик ўзгаришлар ҳуқуқий ва айниқса, конституциявий муаммоларни ҳал қилиш шаклида намоён бўлди. Инсон ҳуқуқлари, Кон-

ституция устуворлиги, ҳокимият ваколатларининг бўлиниши, ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти каби илгари оммага номаълум бўлган тушунчалар ҳайратда қолдирадиган тезлик билан мамлакатнинг аҳолиси томонидан қабул қилинди. Салбий ҳуқуқий стереотипни енгишда бозор муносабатларининг ривожланиши ҳам муҳим аҳамият касб этди. Илгари юқоридан маъмурий кўрсатмалар билан яшаган, бугун эса тадбиркорлик фаолиятига ва кичик бизнесга жалб қилинган фуқаролар эркин иқтисодий ривожланишда қонуннинг роли қанчалик муҳимлигига шахсан ўзлари ишонч ҳосил қилдилар.

Шундай қилиб, **Конституция ҳуқуқий маданият билан чамбарчас боғлиқ.** Бир томондан, Конституция халқимиз ҳуқуқий маданияти ривожланишининг натижаси, унинг мезонидир. Иккинчи томондан, ҳуқуқий маданият Конституция талабларига онгли муносабатни шакллантиради, конституциявий нормаларнинг аниқ бажарилишига кўмаклашади. Ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий билимга эга бўлмасдан ва Конституцияни ҳурмат қилмасдан унинг нормалари амал қилишини тасаввур қилиш мумкин эмас.

1997 йилда ўзбек парламенти «**Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури**» деб номланган ўзига хос ҳужжат қабул қилди.

Дарҳақиқат, юксак ҳуқуқий маданиятсиз Конституциянинг бой салоҳиятини тўлиқ амалга ошириш мумкин эмас. Конституция нормаларининг амалга оширилиши учун уларнинг моҳиятини ва

мазмунини тушунтириш лозим. Инсонлар Конституция қоидаларини тушунганда, уларни бажаришни хоҳлаганда ва бажара олгандагина Конституция яшайди ва амал қилади. Конституциявий нормаларни ҳар бир шахс билиши ва тушуниши Конституция ғоялари ва принциплари ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларига сингиб кетишига хизмат қилади. Одамлар Асосий Қонунни, уларнинг ҳуқуқлари қай даражада ҳимояланганлигини, мамлакатнинг конституциявий тузумини билишлари шарт. Аммо Конституцияни билишнинг ўзи билан кифояланиб бўлмайди. Буюк Шарқ донишманди Абу Наср Форобий таъкидлаганидек, билим яхши хулқ-атвор билан безатилган бўлиши лозим. Конституция нормалари ҳар бир шахс ва бутун жамиятнинг ҳаётида татбиқ этилиши лозим.

Конституция, қонунлар ва ҳуқуқни ҳурмат қилиш асосида жамоатчилик онгига конституциявий тузумни мустаҳкамлашга ёрдам бериш лозимлигини сингдириш муҳим аҳамият касб этади. Конституцияга садоқат Ватан ва халққа бўлган садоқатни тарбиялайди.

---

---

## ЖАҲОН ЖАМОАТЧИЛИГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ТЎҒРИСИДА

Андрэ Дюле,  
*Франция Сенатининг «Франция –  
Марказий Осиё» парламентлараро  
гуруҳи раиси:*

– Ўзбекистон Конституцияси жаҳонда амалдаги энг демократик Асосий Қонунлардан биридир. Унинг қоидалари давлат бошқарувининг замонавий институтлари ташкил этилиши ва ривожланиши ҳамда фуқаролик жамияти мустақамланиши имкониятини беради. Ўлим жазосининг бекор қилиниши ва «хабеас корпус» институтининг жорий этилиши инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга йўналтирилган аниқ қадамларнинг натижалари бўлганлигини алоҳида таъкидлаш зарур. Бугунги кунда юздан ортиқ этник гуруҳлар иноқ яшаётган Ўзбекистон фуқаролик институтлари самарали фаолият кўрсатиши учун очик бўлган демократик мамлакат ҳисобланади.

Мустақил ривожланиш йилларида Ўзбекистон энг ривожланган демократик мамлакатлар бир неча ўн йиллар мобайнида эришган натижаларни қўлга киритди.

**Л. Фоллерс,**  
*Ўзбекистон Республикасининг*  
*Бремендаги фахрий консули:*

– Навқирон Ўзбекистон мустақил ривожланиш йилларида иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий соҳаларда катта ютуқларга эришди. Республика Конституцияси демократик жамият ва ҳуқуқий давлат барпо этиш учун барча зарур ҳуқуқий шарт-шароитларни яратди. Ўзбекистонда шакллантирилган ҳуқуқий база мамлакатда барча соҳаларни янада ривожлантиришга кўмаклашади ҳамда кўламли ислохотлар ва республикани барқарор ривожлантиришнинг ишончли асоси бўлиб хизмат қилади.

**Ли Ман Соп,**  
*Жанубий Корея Миллий Ассамблеясининг*  
*собиқ спикери:*

– Мамлакат Конституцияси ҳар бир давлат учун асосий қонун ҳисобланади. Конституция ўзида инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини, мамлакатдаги тинчлик ва тотувликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлайдиган, умум томонидан қабул қилинган демократик меъёрларни ифодалаши керак. Бу жиҳатдан Ўзбекистонда Президент Ислон Каримов раҳбарлигида жуда катта ишлар амалга оширилди. Масъулиятни зиммамга олган ҳолда айтишим мумкинки, Сизнинг Асосий Қонунингиз умумий қабул қилинган халқаро меъёрларга тўлиқ мувофиқдир.



## **Катрин Пужоль,**

*Шарқ цивилизациялари миллий институти  
профессори, сиёсатишунос (Франция):*

– Жаҳон ҳамжамиятида Ўзбекистоннинг роли ва ўрни тобора ошиб бораётган шароитларда мамлакат Конституцияси маънавий тараққиётни таъминлаш ишида, асосийси, мамлакатнинг изчил иқтисодий ривожланиши ва халқ фаровонлиги ошишида реал ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Конституцияси мустақиллик қўлга киритилгандан кейин жуда қисқа муддатларда ишлаб чиқилганлиги ва қабул қилинганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Асосий Қонунни ишлаб чиқишда ўзбек давлатчилиги ривожланишининг бой тарихий йўли, конституциявий қурилишнинг замонавий ғоялари, универсал демократик тамойиллар ҳамда жаҳоннинг ривожланган мамлакатларининг илғор конституциявий тажрибаси ҳисобга олинди.

Ўзбекистон Конституцияси демократик ривожланиш йўлида мамлакатнинг барқарор ва изчил олға боришининг, «Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари» тамойилини амалга оширишнинг асоси ҳисобланади.

## **Элчин Ҳусейнов,**

*«Trend» халқаро ахборот агентлигининг халқаро  
ҳамкорлик бўйича директори:*

– Ўзбекистонликларнинг иродаси ва хоҳиши, кучи ва қудрати, серғайрат, серҳафсалалиги ва

бунёдкорона меҳнати туфайли жаҳон харитасида янги мустақил, суверен давлат пайдо бўлди. Ўзбекистонда фуқароларнинг виждон ва диний эътиқод эркинлигига бўлган конституциявий ҳуқуқлари амалга оширилишини таъминлашга, жамиятда бағрикенглик руҳи мустаҳкамланишига ҳамда динлараро дўстлик ва ҳамкорлик ривожланишига катта аҳамият берилмоқда. Республика Конституцияси ва қонунлари халқаро ҳуқуқий ҳужжатларнинг асосий қоидалари ва талабларига мувофиқ бўлиб виждон эркинлигини амалга оширишнинг конституциявий тамойиллари ва тартибини белгилаб беради.

### **Г. Штромайер,**

*Берлин-Бранденбург Фанлар академияси  
профессори (Германия):*

– Ўзбекистон Конституциясида умуминсоний кадриятлар билан биргаликда ўзбек халқининг ноёб миллий анъаналари тўлиқ даражада акс эттирилган. Унда бошқа мамлакатлар конституцияларида кўриш қийин бўлган кексаларга ғамхўрлик қилиш, болаларнинг ота-оналар олдидаги бурчлари каби тамойиллар мустаҳкамланган.

### **К. Ладаж,**

*Фонтис университети профессори, ҳукуматга  
қараши бўлмаган «Intertwine Consultancy»  
ташкilotи раҳбари (Нидерландия):*

– Ўзбекистон Конституцияси билан танишиб, у демократик давлатнинг умумий эътироф этил-

ган барча меъёрларига жавоб берадиган замонавий Конституция экан, деган хулосага келдим. Ўзбекистон Конституцияси замонавий демократик жамият кураётган кўплаб бошқа давлатлар учун намуна бўлиб хизмат қилиши мумкин.

### **Шарлота Уанг,**

*Франция матбуот институти фан доктори,  
Ўрта Осиё ва Қозогистон геосиёсати  
бўйича эксперт:*

– Ўзбекистон Республикасининг Асосий Қонунида илғор миллий ва умуминсоний қадриятлар ўз аксини топган бўлиб, у мамлакат изчил ривожланишининг, давлат ва жамият қурилишининг, инсон ҳуқуқ ва манфаатлари таъминланишининг, демократия тамойиллари амалга оширилишининг ишончли ҳуқуқий кафолати бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон қисқа даврда мамлакатни демократлаштириш ва эркинлаштириш ишида олға томон салмоқли юришни амалга оширди. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг парламент палаталарининг 2010 йил 19 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги ва Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги дастурий нутқлари бунинг яққол мисоли бўлиб хизмат қилади. Ушбу нутқлар мантиқан бир-бирини тўлдиради ва мамлакатнинг ҳозирги ривожланиши билан янада кенг танишиш имконини беради. Давлат раҳбари томонидан илгари сурилган асосий йўналишлар, шубҳасиз, дав-

латнинг бундан кейинги демократик янгиланиши асоси бўлиб хизмат қилади.

Биз яқин келажакда республикада ислохотларнинг туб бурилиш билан тавсифланадиган янги босқичга кўтарилишига гувоҳ бўлишимизга ишонаман. Ушбу ислохотлар минтақадаги кўшни мамлакатлар учун намуна бўлиб хизмат қилади. Мустақил оммавий ахборот воситалари, нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини рағбатлантириш жараёни кучли фуқаролик жамияти куриш, давлатнинг чуқур ўйланган стратегияни амалга ошириши учун зарур шарт ҳисобланади. Мамлакатда амалга оширилаётган қайта ўзгартиришларни чуқурлаштириш йўллари белгилаб олиш фуқаролик жамияти институтларини янада ривожлантириш ва уларнинг ҳокимият органлари билан ўзаро ҳамкорлиги, бутун мамлакатда ижтимоий хусусиятга эга бўлган дастурларни амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотларнинг янада фаол иштирок этиши учун қулай муҳит яратди.

**Саид Ирандуст,**

*Осиё технологиялар институти президенти:*

– Ўзбекистон Конституцияси ёш мустақил давлатнинг қарор топишида муҳим роль ўйнади ва ҳозирги вақтда мамлакатнинг изчил демократик ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг ишончли кафили бўлиб хизмат қилмоқда. Ўзбекистонда жамиятни демократлаштириш ва янгилаш борасида катта ишлар олиб борилмоқда, ижтимоий

йўналтирилган бозор иқтисодиётини яратишда, суд-ҳуқуқ тизимини эркинлаштиришда, ахборот соҳасини ислоҳ қилишда ва мамлакатда сайлов қонунчилигини ривожлантиришда салмоқли натижаларга эришилмоқда.

**Алан Пелукс,**

*Франция Ташқи ишлар вазирлиги вакили:*

– Мамлакатингиз мустақил ривожланиш йилларида Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов раҳбарлиги остида барча соҳаларда ажойиб натижаларга эришди. Кўп жиҳатдан ислоҳотларнинг аниқ мақсадли дастурларини амалга ошириш тўғрисида Ўзбекистон, бошқа ёш мамлакатлардан фарқ қилган ҳолда, ўтиш даври қийинчиликларини енгиб ўтишга, иқтисодиётнинг изчил ўсишига, ижтимоий ҳаётни эркинлаштириш ва демократлаштириш соҳасида ислоҳотларни самарали амалга оширишга муваффақ бўлди.

Шак-шубҳасиз, республиканинг барча муваффақиятларига Ўзбекистоннинг Асосий Қонунида ифодаланган тамойиллар ва меъёрларга қатъий риоя қилиниши асос бўлди.

**Нирмала Джоши,**

*«Ҳиндистон – Марказий Осиё»*

*тадқиқот жамғармаси директори:*

– Ўзбекистон Конституцияни қабул қилиб, қонун устуворлигига ва инсон манфаатларини ҳимоя қилишга асосланган демократик ривожла-

ниш йўлини танлади. Ўзбекистон Конституцияси ислохотлар миллий моделининг муваффақиятли амалга оширилиши ва мамлакатни модернизация қилиш учун яхлит ҳуқуқий базани таъминламоқда. Мана шу туфайли давлат ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий йўналишларда улкан таассурот қолдирадиган натижаларга эришмоқда.

### **Дидье Мос,**

*Франция Олий маъмурий суди Давлат кенгаши  
аъзоси, Конституциявий ҳуқуқ халқаро  
ассоциацияси раиси:*

– Ўзбекистон Конституцияси билан батафсил танишиб, унинг ривожланган демократик давлатларнинг Асосий Қонунларига тўлиқ мувофиқ эканини айтишим мумкин. Унда демократик давлат қуришнинг барча асосий тамойиллари – Президентлик институти, ҳукумат, парламент, суд органларининг ваколатлари ва бошқалар ўз аксини топган. Демократиянинг универсал қадриятларига тўлиқ даражада мувофиқ бўлган инсоннинг асосий ҳуқуқлари аниқ белгиланган.

Ўзбекистон асосий ҳужжатининг тузилиши шу тарзда қурилганки, у мамлакатнинг келажакги учун салмоқли базага айланган ҳолда, унинг барқарор сиёсий ва институционал ривожланишини таъминламоқда. Конституциянинг барча қоидалари долзарб ва улар ҳаётга фаол жорий этилмоқда. Энг асосийси – Ўзбекистон Конституцияси давр билан бирга қадам ташламоқда, такомиллашмоқда.

**Арун Моханти,**  
*профессор, «Евроосиё» тадқиқот-таҳлил  
жамғармаси директори:*

– Ўзбекистон мустақиллик йилларида аҳоли ҳаёт даражасини изчил ошириб бориб, иқтисодий ривожланишнинг барқарор кўрсаткичларини намойиш қилмоқда. Ушбу ютуқлар мамлакат Конституциясида акс эттирилган ҳар томонлама чуқур ўйланган меъёрлар, қоидалар ва тамойилларни ҳаётга жорий этишга асосланган танланган йўлга содиқликни намоён қилмоқда. Ўзбекистоннинг Асосий Қонуни демократик давлат қуриш устуворликларини аниқ белгилаган ҳолда, ўзбек халқининг узоқ муддатли манфаатлари ва интилишларига мосдир. Мустақиллик йилларида республикада аҳолининг ижтимоий фаоллиги сезиларли даражада ошди. Бу, ўз навбатида, сиёсий ва иқтисодий ислохотларнинг кўламларини кенгайтириш ва уларни фаоллаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини эркинлаштириш, фуқаролик жамияти институтлари родини кучайтириш учун барқарор негиз яратади.

**Люджер Пере,**  
*Бельгиянинг «Эверест» компанияси директори:*

– Ўзбекистон қисқа тарихий даврда ўз давлатчилигини мустаҳкамлаш ва демократлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш йўлида беқиёс муваффақиятларга эришди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамланган тамо-

йилларни бажариш ушбу муваффақиятларга асос бўлганлигини қайд этиш муҳимдир.

**Шарль Висенти,**  
*Франция ҳуқуқ ва савдо*  
*ассоциацияси президенти:*

– Ўзбекистон Конституцияси ўзбек давлатчилигининг қарор топишида муҳим роль ўйнади ва мамлакатнинг изчил демократик ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг ишончли кафили бўлиб хизмат қилади.

Конституция яратиб берган қонунчилик базаси шарт-шароитлари туфайли Ўзбекистон иқтисодиёти ўсишнинг юксак, эътиборга муносиб суръатларини намойиш қилиб, муваффақиятли ривожланмоқда. Айни вақтда самарали қонунчилик хорижий инвестициялар жалб этилишига, халқаро майдонда катта нуфузга эга бўлган Европа корхоналари билан биргаликда қўшма корхоналар ташкил этилишига кўмаклашмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистонда жамиятни демократлаштириш борасида катта ишлар амалга оширилмоқда ҳамда қонун устуворлигини таъминлашда ва суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишда салмоқли натижаларга эришилмоқда. Айниқса, мамлакатда яраштириш институти жорий этилиши сингари юридик ҳужжатлар, «Ҳакамлик судлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилингани, судларнинг ихтисослашуви, апелляция, содалаштирилган суд амалиёти ва хўжалик ишларини кўриб чиқиш муддатларини



қисқартириш имконини берадиган вакиллар институти ташкил этилгани муҳимлигини қайд этиш зарур. Арбитраж фаолияти тадбиркорлик субъектларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш билан бирга, Ўзбекистонда қулай инвестиция муҳити мустаҳкамланишига ҳам хизмат қилади.

---

---

## ХУЛОСА

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилингандан буён ўтган йигирма йиллик тараққиёт ва демократик ривожланиш давомида мамлакатимизда конституциявий ҳуқуқ қарор топиш ва ривожланиш босқичларини босиб ўтди. Ўзбекистоннинг конституциявий ҳуқуқи – бу конституцияшунослик концепцияси, принциплари тўғрисидаги конституцион ғоялар, Конституция, конституциявий қонунлар ва ижтимоий муносабатларни тартибга солиш соҳасида амал қиладиган қонунлардир.

Умуман, «конституциявий ҳуқуқ» атамаси уч маънога эга:

**биринчиси** – конституциявий ҳуқуқ – конституцион-ҳуқуқий нормалар тизими сифатида ҳуқуқнинг етакчи тармоғи;

**иккинчиси** – конституциявий ҳуқуқ – юридик фаннинг йўналишларидан бири сифатида фан;

**учинчиси** – конституциявий ҳуқуқ – юридик фанларнинг бири сифатида ўқув курси.

Амалдаги Конституциянинг ўзи конституциявий ҳуқуқнинг ўзагини ташкил этади. Ҳар қандай миллий ҳуқуқий тизимда Конституциянинг роли ва ўрни фундаментал ва биринчи даражалидир. Ҳар бир давлат фақат ўзига хос бўлган

Конституцияга эга. Барча давлатлар учун ягона бўлган ҳаммабоп конституциявий модель йўқ ва бўлиши мумкин эмаслигини таъкидлаш зарур. Ҳар бир давлат конституциявий ривожланишнинг ўз йўлига эга. Мустақил Ўзбекистон ҳам бундан мустасно эмас.

Ўзбекистон давлат суверенитети эълон қилингандан кейин собиқ иттифокдош республикалардан биринчи бўлиб амалдаги – 1992 йил 8 декабрдаги Конституцияни ишлаб чиқди ва қабул қилди. Суверен Ўзбекистоннинг биринчи Конституциясини тайёрлаш, муҳокама қилиш, қабул қилиш ва унинг амал қилиши хусусиятлари нималардан иборат?

**Биринчи хусусияти** – Конституция лойиҳаси 1990 йилда Ўзбекистон парламенти томонидан Президент Ислон Каримов бошчилигида ташкил этилган Конституция комиссияси томонидан 2 йилдан ортиқ вақт мобайнида тайёрланди.

**Иккинчи хусусияти** – Ўзбекистон Конституциясининг ташаббускори, илҳомлантирувчиси ва асосий муаллифи мамлакат Президенти ҳисобланади.

**Учинчи хусусияти** – Конституция лойиҳасини тайёрлашда уч манбага таянилди. Булар:

- миллий ҳуқуқий мерос;
- инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартлар;
- хорижий конституциявий тажриба.

**Тўртинчи хусусияти** – Конституция лойиҳаси 1992 йил сентябрь ойидан декабрь ойигача кенг умумхалқ муҳокамасидан ўтди. Конституция

лойиҳасини муҳокама қилиш давомида 5 мингдан ортиқ таклифлар тушди.

**Бешинчи хусусияти** – Конституция лойиҳаси Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгаши каби нуфузли халқаро ташкилотлар ва АҚШ, Буюк Британия, Франция каби демократик давлатлар мутахассисларининг синчков экспертизасидан ўтди.

Таниқли француз конституционалисти профессор Мишель Лесаж ўз таклифларини юборди. Конституциявий комиссия хорижий конституциявий тажрибага мурожаат қилиб, Асосий Қонуннинг ролини яхлит тушунишдан келиб чиқди. Жаҳон конституциявий тажрибаси Ўзбекистон Конституциясида қуйидагилар орқали ҳисобга олинди:

**биринчидан**, республика бошқарув шакли – бевосита халқ бошқарувининг шаклларида бири сифатида;

**иккинчидан**, конституциявий тартибга солишнинг классик принциплари – ҳокимият ваколатларининг бўлиниши, инсон ҳуқуқлари ва халқаро ҳуқуқ нормаларига содиқлик, Конституциянинг барқарорлиги;

**учинчидан**, Конституция матнини муқаддима ва бўлимлар, боблар ва моддалар бўйича тақсимлаш ҳамда уларни мантиқий жойлаштириш;

**тўртинчидан**, мазмунининг қисқалиги – реал давлат ва ижтимоий ҳаётни чеклаб қўядиган ортиқча қоидаларга йўл қўймаслик мақсадида, Конституцияда келажакда қабул қилинадиган қонунларга оид ҳаволалар йўқлиги ҳам шу мақсад билан боғлиқ;

**бешинчидан,** мафкуралаштиришдан воз кечиш, яъни бир мафкура ҳукмронлигидан воз кечиш; фикр, сўз, виждон ва эътиқод эркинлиги;

**олтинчидан,** конституциявий кафолатлар – Конституция устуворлиги, Конституциявий суд тузилиши, Асосий Қонунга ўзгартиш киритишнинг алоҳида тартиби.

**Олтинчи хусусияти** – 1992 йилги Конституция мустақил Ўзбекистоннинг расмий «ташриф» қоғозига айланди. У дунё сиёсий харитасида янги демократик давлат – Ўзбекистон Республикасининг мавжудлигини акс этирмоқда. Чунки, Ўзбекистон Республикасининг Президенти айтганидек: «**Ҳеч бир давлат ўзининг Асосий Қонунида давлат ва жамият қурилишининг тамойилларини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият тараққиётининг иқтисодий асослари ва стратегик йўналишларини мустаҳкамламасдан туриб, ҳақиқий суверен давлат бўла олмайди.**»

**Еттинчи хусусияти** – Конституция ўз тузилишига кўра фарқ қилади. Ўзбекистоннинг амалдаги Конституцияси муқаддима, 26 бобга ажратилган, 6 бўлимда бирлаштирилган, 128 моддадан ҳамда олтинчи бўлимни ташкил қилувчи якуний қоидалардан иборат.

**Саккизинчи хусусияти** – мамлакатимиз аҳли ўз ҳуқуқларини жамоа бўлиб ҳимоя қилиш механизмига, замонавий Шимолий Америка цивилизациясида мавжуд бўлмаган миллий демократик институтга эга. Бу – маҳалла. Маҳалла зарур пайтда моддий ёрдам берибгина ёки халқ маданий-миллий анъаналарини қувватлабгина қолмайди.

Конституция фуқаро, жамият ва давлат ҳокимияти ўртасидаги ўзига хос ижтимоий шартнома сифатида амал қилади. Ўзбекистон Конституцияси асос бўлувчи юридик ҳужжат ҳисобланади, янги давлат тузумига ўтиш шароитларида конституциявий макон доирасида тизимли ва изчил қайта ўзгартиришлар амалга оширилишини таъминлайди.

Конституция ривожланишнинг «ўзбек модели»нинг юридик асосига айланди. Асосий Қонуниimiz қабул қилинган пайтдан бошлаб ўтган даврда унинг амал қилиши Конституция сиёсий тизимнинг юридик параметрларини, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларини ҳамда фуқаролик жамияти институтлари ривожланишини белгилаб берганлигини кўрсатди.

Конституция – ҳар бир давлатнинг сиёсий ва ҳуқуқий ҳаётининг кўзгуси. Унда фуқаронинг ҳуқуқий мақоми, жамият ва давлат тузумининг асосий таркибий қисмлари ифодаланади. Реал ҳаётдаги йирик ўзгаришлар «конституциявий кўзгуда» намоён бўлади. Бунда гап иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий соҳадаги барча ўзгаришлар ҳақида эмас, фақат мамлакатдаги йирик ўзгаришлар ва сиёсий вазият ҳақида кетмоқда. Қонунчиликка тўғрилашлар киритишга олиб келадиган ўзгаришларнинг йиғилиб бориши унинг сифатининг ўзгаришига ҳам олиб келади. Уларни фақат Конституция қонунийлаштириши мумкин.

Бевосита Конституция орқали давлатнинг яхлит организм сифатидаги ҳуқуқий образини тасаввур этиш мумкин. Ўзбекистонда давлатнинг энг

асосий белгилари ҳамда жамиятдаги ўзгаришлар конституциявий талқинини топади.

Қабул қилинган пайтдан бошлаб, яъни **1992 йил 8 декабрдан бошлаб Конституцияга беш маротаба ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди**, охиргиси 2011 йил 12 декабрда киритилган. 128 моддадан 31 тасига 41 та ўзгартиш киритилган, яъни 23 та моддага бир маротаба, 6 та моддага икки маротаба, 2 та моддага уч маротаба ўзгартиш киритилди.

Конституцияга киритилган охирги ўзгартишлар ва қўшимчалар қуйидаги мақсадга қаратилган:

– демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш;

– давлат бошқарувини демократлаштириш, давлат ҳокимияти субъектлари – Президент – давлат раҳбари, конун чиқарувчи ва ижроия ҳокимият ўртасидаги мувозанатни таъминлаш;

– ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий ислоҳотларни амалга ошириш, мамлакатни янгилаш ва модернизация қилишда сиёсий партиялар ролини кучайтириш.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон босиб ўтган йўл ва тўпланган тажриба, қўлга киритилган юксак марралар Конституцияда мустаҳкамлаб қўйилган, ҳаёт синовидан ўтган янги миллий давлатчилик ва унинг ижтимоий-сиёсий тизимини яратиш, демократик тамойиллар асосига қурилган сиёсий ва иқтисодий тизимни шакллантириш, конун устуворлиги, унинг барча фуқаролар учун тенглиги қоидалари нақадар тўғри эканининг амалий исботи бўлди.

Бугунги кунда жаҳон ҳамжамиятининг ҳайрати ва ҳавасини уйғотадиган натижалар – сўнгги 6 йил давомида Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулот йиллиги 8,2 фоиздан кам бўлмаган ўсишга эришилаётгани, унинг 2000 йил билан солиштирганда 2,9 баробарга, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 2,6 баробарга ошгани, иқтисодиётга жалб қилинган инвестициялар ҳажми 3,6 баробар, шу жумладан тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар миқдори 20 баробардан кўпроққа ўсгани, ишлаб чиқариши ўзлаштирилган мутлақо янги, рақобатдош маҳсулотларнинг жаҳон бозорига чиқарилаётгани, юртимиз қиёфасини бутунлай ўзгартираётган иншоотлар ва ишлаб чиқариш корхоналари, ижтимоий объектлар ва тураржой биноларини барпо этиш бўйича кенг миқёсдаги бунёдкорлик ишлари, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳаларида қўлга киритилаётган улкан ютуқлар Асосий Қонунимиз буюк яратувчилик салоҳиятининг ифодасидир.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Муқаддимасида бу ҳуқуқий ҳужжат **«республика фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлашга интилиб»**<sup>1</sup> қабул қилинаётганлиги кўрсатилган. Мустақилликка эришилган дастлабки кунлардан эътиборан мамлакатда **«Ислоҳот – ислоҳот учун эмас, аввало, инсон учун»** тамойили ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда. Ўтган 21 йил мобайнида мамлакат аҳолисининг реал даромадла-

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: «Ўзбекистон», 2010. Б. 3.



ри жон бошига 7 баробар, пенсия миқдори салкам 9 баробар, ойлик иш ҳақи 18 карра ортди.

Шу билан бирга ушбу даврда юртимизда уй-жой ҳажми 2 баробардан зиёдга кўпайди, барча оилаларнинг 98,5 фоизи ўзининг шахсий уй-жойи ёки квартирасига, қишлоқларда яшаётганларнинг 97,5 фоизи шахсий томорқасига эга бўлди. Бундан 20 йил аввал ҳар ўнта оиладан фақат биттасида шахсий машина бўлган бўлса, бугунги кунда ҳар учта оиладан биттаси шахсий машинага эгаллиги, ватандошларимиздан ҳар учтасидан биттаси Интернет тармоғидан фойдаланиб келаётгани ҳам аҳоли турмуш даражаси ва сифати муттасил ортиб бораётганлигининг яққол далолатидир.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва бошқа асосий халқаро ҳужжатларнинг принципиал қоидаларини ўзида мужассам этган ҳолда, Конституциямиз инсон ҳуқуқ ва манфаатлари, унинг эркинликлари давлат манфаатларидан устунлигини мустаҳкамлади, одамларимиз учун муносиб ҳаёт шароити яратишни ўзининг туб мақсади этиб белгилади, ижтимоий адолат тамойилларини эълон қилди.

Асосий Қонунда белгилаб қўйилган: **«Давлат жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлайди, уларга ижтимоий ҳаётда иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб беради»<sup>1</sup>** ҳуқуқий кафолатлари собитқадамлик билан ҳаётга жорий этилмоқда. Мамлакатни де-

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: «Ўзбекистон», 2010. Б. 11.

мократик янгилаш жараёнида нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг чинакам мустакиллигини таъминлаш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, фаолиятларини ташкилий-ҳуқуқий ва моддий-техникавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга қаратилган 200 дан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилинди, уларнинг ижросини таъминлаш, шунингдек бу соҳадаги ҳуқуқий асосни такомиллаштириш бўйича зарур чоралар кўрилмоқда.

Ўзбекистонда ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида фаолият олиб бораётган 6000 дан зиёд нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ҳозирги кунда демократик кадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилига айланмоқда, фуқароларнинг ўз салоҳиятларини рўёбга чиқариши, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини оширишга, жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашга кўмаклашмоқда.

Инсон ҳуқуқларига риоя этилиши устидан парламент ва жамоатчилик назорати (мониторинги) йўлга қўйилган. Ҳукумат томонидан инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларни қўллаб-қувватлаш, жумладан, Омбудсман институти ва Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказнинг моддий-молиявий, кадрлар таъминотини ва ресурс салоҳиятини кучайтириш бўйича аниқ чоралар кўрилмоқда.

Сиёсий партияларнинг жамиятни демократлаштиришдаги ролини ошириш тўғрисидаги кон-

ституциявий қонун муваффақиятли амалга оширилмоқда. Халқаро сайлов стандартлари миллий қонунчиликка ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига жорий этилди. Асосий Қонун принциплари асосида чинакам профессионал, икки палатали парламент шакллантирилди.

Конституциямизнинг 24-моддасида **«яшаш ҳуқуқи – ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқи»** эканлиги мустаҳкамлаб қўйилган. Ўзбекистонда энг демократик давлатлар қаторида ўлим жазоси бекор қилинган, «хабеас корпус» институти амал этмоқда. Умуман, суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш ва инсонпарварлаштиришга қаратилган туб ислохотлар амалга оширилмоқда. Адвокатура институтининг нуфузи оширилди, суд қарорлари ижросини таъминлаш тизими, прокуратура фаолияти такомиллаштирилмоқда, бутун суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштиришга қаратилган қатор бошқа чоралар кўриляпти.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Конституцияси амал қилиши даврида муҳим аҳамият касб этди ва келажакда ҳам муҳимлигини сақлаб қолишини тўлиқ ишонч билан башорат қилиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов томонидан Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг қўшма мажлисида илгари сурилган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» ва унинг асосида қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (78, 80,93, 96 ва 98-моддалар) ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш

тўғрисида»ги Қонун мамлакатнинг конституциявий ривожланиши, давлатни модернизация қилиш стратегик курсини амалга оширишда янги босқични очиб бермоқда.

Юқорида қайд этилганларни мужассамлаштирган ҳолда қуйидаги хулосалар чиқариш мумкин.

**Биринчи хулоса** – Асосий қонун нормаларини амалга ошириш асосида Ўзбекистонда конституциявий давлат қурилган. Бошқача айтганда, барча давлат органларининг, фуқаролик жамияти институтларининг ва фуқароларнинг фаолияти Конституция қоидаларига мувофиқдир.

**Иккинчи хулоса** – Конституция Ўзбекистон миллий ҳуқуқий тизимининг маркази, пойдевори ҳамда қонунчиликни янада ривожлантиришнинг асосидир. Конституция нормалари амалга ошириб борилган ҳолда ҳозиргача 15 кодекс, 500 дан зиёд қонунлар қабул қилинди ва 200 дан зиёд халқаро шартномалар ратификация қилинди.

**Учинчи хулоса** – Конституция ривожланишнинг «ўзбек модели»нинг юридик асосига айланди. У жамиятнинг эҳтиёжлари ҳамда ҳуқуқий онг ва жамиятнинг ҳуқуқий маданияти ривожланиши ҳисобга олинган ҳолда эволюцион ривожланмоқда.

**Тўртинчи хулоса** – фуқароларнинг конституциявий-ҳуқуқий маданияти изчил шакллантирилмоқда. Ўзбекистонда Конституцияни узлуксиз ўрганиш тизими ташкил этилган. Конституцияни ўрганиш бўйича ахборот-маърифий фаолият фуқароларнинг Конституция нормаларига ва конституцион ватанпарварликка ҳурмат билан

муносабатда бўлишини шакллантиришга йўналтирилган.

**Бешинчи хулоса** – Ўзбекистон Конституцияси тадрижий ривожланиши, умуман олганда, конституциявий ривожланишнинг умумжаҳон тенденцияларига мувофиқдир. Бунда сўз конституциявий тартибга солиш предметини кенгайтириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига алоҳида эътибор бериш, фуқаролик жамиятининг конституциявий асосларини кенгайтириш, халқаро ҳуқуқ нормалари устуворлиги ҳақида бормокда.

Шарқ мутафаккири, «иккинчи устоз» («биринчи устоз» – Аристотель) Абу Наср Форобий шундай деган эдилар: «Билим яхши хулқ-атвор билан мустаҳкамланиши керак». Бизнинг Конституция тўғрисидаги билимларимиз ҳуқуқий хулқ-атворимиз, конституциявий ватанпарварлигимиз билан тасдиқланиши зарур. Айнан мана шундай конституциявий хулқ-атвор билан Конституциянинг устуворлигини таъминлай оламиз!

---

---

## МУНДАРИЖА

<i>Кириш</i> .....	3
Ислом Каримов – Ўзбекистон Конституциясининг ташаббускори, яратувчиси ва қафили .....	7
Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг умумхалқ муҳокамаси ва қабул қилиниши.....	15
Суверен Ўзбекистоннинг биринчи Конституцияси: тузилиши ва умумий тавсифи.....	20
Конституция тараққиёти – «ўзбек модели»нинг юридик асоси.....	26
Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг динамик ривожланиши.....	30
Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тараққиётида янги босқич.....	34
Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нормаларининг бажарилиши ва бевосита амал қилиши.....	37
Конституцияни ўрганиш ва ҳуқуқий маданиятни шакллантириш.....	41
Жаҳон жамоатчилиги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида .....	46
<i>Хулоса</i> .....	57

*Ижтимоий-сиёсий нашр*

Акмал Холматович Саидов

**ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ  
КОНСТИТУЦИЯСИ:  
МУСТАҚИЛ ВА  
ДЕМОКРАТИК  
ТАРАҚҚИЁТНИНГ  
ҲУҚУҚИЙ АСОСИ**

Мухаррир	<i>Л. Игамова</i>
Рассом	<i>Б. Зуфаров</i>
Бадий муҳаррир	<i>Р. Зуфаров</i>
Техник муҳаррир	<i>Д. Габдрахманова</i>
Мусахҳих	<i>Ш. Орипова</i>
Компьютерда саҳифаловчи	<i>К. Голдобина</i>

Нашриёт лиценцияси АІ № 158. 14.08.09.  
Босишга рухсат этилди 20.11.2012. Бичими 84×108<sup>1/32</sup>.  
Офсет қоғози. «Times» гарнитурасида офсет усулида босилди.  
Шартли б. т. 3,78. Нашр т. 2,86.  
Нусхаси 1000. Буюртма № 12-357.

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг  
«O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи.  
100129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Телефон: (371) 244-87-55, 244-87-20

Факс: (371) 244-37-81, 244-38-10.

*e-mail: [uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz](mailto:uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz)*

*[www.iptd-uzbekistan.uz](http://www.iptd-uzbekistan.uz)*



С-12      **Саидов, Акмал**

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси: мустақил ва демократик тараққиётнинг ҳуқуқий асоси / А. Саидов. – Тошкент: O‘zbekiston, 2012. – 72 б.

ISBN 978-9943-01-873-0

Ушбу рисола Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ишлаб чиқилиши, унинг лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси ва Асосий Қонунимизнинг тавсифига, шунингдек, мустақил тараққиётимиз ва демократик янгиланишлардаги ролига бағишланган. Унда Ўзбекистоннинг конституциявий ривожланишининг асосий босқичлари ҳамда «ўзбек модели»нинг конституциявий асослари ҳам кўриб чиқилган.

Мазкур нашр талабалар, ўқитувчилар, конституциявий ҳуқуқ бўйича олимлар ҳамда кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

**УДК 342.4(575.1)**

**ББК 67.400(5Ў)**

«Q'ZBEKISTON»

ISBN 978-9943-01-873-0



9 789943 018730